ХСН имеется достоверное уменьшение показателей ФНО-а в результате терапии, до показателя в группе контроля, на 51,7% от исходных данных (p<0,001), показатель СРБ снизился на 15,6%

(<0,05), IL-1 β - на 38,3% (p<0,01), IL-6 - на 3,1% (p>0,05), в сроки через 9 недель от начала лечения. У пациентов со II ФК ХСН, показатель СРБ уменьшился на - 42,5%, IL-1 β - на 27,4% и IL-6 - на 14,9%, TNF- α - на 36,7%. В группе пациентов с III ФК ХСН, показатель IL-1 β уменьшился - на 41,0%, IL-6 - на 30,0%, TNF- α - на 36,7%. Уровень СРБ в плазме крови пациентов в этой группе, в результате терапии уменьшилась на 31,3% от исходных данных (p<0,01). В крови пациентов с IV ФК ХСН отмечено не достоверное снижение уровня содержания СРБ. Концентрация СРБ снизилась на 5% (p>0,05). Установлено достоверное снижение содержания IL-1 β на 74,7% (p<0,001) и ФНО- α — на 54,0% (p<0,001), уровень IL-6 на фоне проводимого лечения уменьшился на 12,6% (p<0,05). Учитывая вышеизложенное, можно сделать выводы, что проведенная терапия приводила к снижению уровней СРБ, TNF- α , IL-1 β и тенденция к снижению ИЛ-6 в общей группе наблюдения.

У больных при использовании комплексного лечения более значительное и достоверное уменьшение уровня определено цитокина ФНО- α , снижение IL-1 β наблюдали в группе пациентов с III и IV ФК ХСН, и IL-6 – в группе пациентов с IV ФК ХСН.

Уровень исследуемых цитокинов и СРБ у пациентов с ХСН в результате использования различных схем лечения во всех группах снижалась (табл. 3).

В 1-й группе пациентов, при использовании БАБ, данные СРБ достоверно уменьшились на 21,4%, TNF- α — на 19,5% и IL-1 β — на 14,9%, в отношении от исходных данных. А уровень IL-6 снижался мало, всего на 1,6%. Во 2-ой группе где использовали иАПФ, динамические показатели уровня СРБ в результате терапии достоверно уменьшились на 30,1%, TNF- α - на 76,3%, IL-1 β - на 77,9%, IL-6 - на 63,0%, в отношении от исходного уровня.

У пациентов получавших в комплексе со стандартным лечением БАБ и иАПФ (группа 3), уровни СРБ, TNF- α и IL-1 β были достоверно снижены от показателей исходных данных. Показатели СРБ в сыворотке крови пациентов снизились на 43,1% (p<0,01), TNF- α — на 57,2% (p<0,001), IL-1 β — на 60,0% (p<0,001) и уровень IL-6 уменьшился на 22,9% (p<0,05).

В группе пациентов не использовавших β -адреноблокаторы и иАПФ, показатели СРБ повышались на 14,8%, а уровень провоспалительных цитокинов уменьшалась: TNF- α на 5,31%, IL-1 β на 5,4%, IL-6 на 4,7%, но эти изменения были недостоверны (p>0,05).

Выявленные нами клинические проявления отмечают, что TNF- α и IL-6 дополнительно способствуют выделению стресс-активированных

цитокинов в большом количестве при прогрессировании сердечной недостаточности. Поэтому антицитокиновая терапия является патогенетически обоснованной частью комплексного лечения ХСН [1,3,6].

Результаты использования иАПФ уменьшало высвобождения провоспалительных цитокинов у пациентов с ХСН III функционального класса, и приводило положительным клиническим результатам при комбинированном использовании иАПФ и АК. Также достигнуты хорошие результаты при использовании БАБ. Эффективность использования БАБ во многом связана иммунокорригирующим действием на активированную дизрегуляцию цитокинового звена иммунитета у больных ХСН.

Данные исследования проведенное нами показывает что если включить иАПФ в курс лечения приводит к снижению высвобождения провоспалительных цитокинов у пациентов с ХСН III ФК, что подтверждает очень хороший эффект иАПФ и АК пациентов данной группы. Хороший эффект БАБ может быть связано с их иммунорегулирующим влиянием на активированную при хроническом сердечном недостаточностью не регулируемого цитокинового звена.

Выводы:

1. Определено, что хроническая сердечная недостаточность на фоне постинфарктного кардиосклероза обусловлена иммуновоспалительной цитокиновой активацией, которая прямо пропорционально связана с тяжестью клинических проявлений.

2. Показатели цитокинов сыворотки крови, могут чувствительно использоваться для своевременной диагностики, прогноза, а так же для динамического наблюдения течения ХСН и определения эффективности и прогнозирования проводимого комплексного лечения, в том числе использования иАПФ и бета-блокаторов.

Литература:

1. Драпкина О. М., Концевая А. В.1, Кравченко А. Я.2, Будневский А. В., Токмачев Р. Е., Черник Т. А. Биомаркеры ST2 и интерлейкин 33 в оценке кардиального воспаления, фиброза и прогноза пациентов с хронической сердечной недостаточностью Российский кардиологический журнал 2021;26(S3):4530
2. Изменение интерлейкина-6 при различных формах ишемической болезни сердца / Ф. Н. Палеев [и др.] // Кардиология. — 2010. — № 2. — С. 69-72.
3. Кручинкина Е. В., Рябов В. В Иммунный ответ при декомпенсации ишемической сердечной недостаточности. Российский кардиологический журнал 2018; 1 (153): 72-77.

4. Ольбинская, Л. И. Нарушения в системе цитокинов у больных ХСН и возможности их коррекции с помощью β -адреноблокаторов / Л. И. Ольбинская, Ж. М. Сизова, С. Б. Игнатенко // Серд. недостаточность. — 2006. - Т. 7, №3 (37). - С. 116-120.
5. Токмачев Р. Е., Будневский А. В., Кравченко А. Я. Роль воспаления в патогенезе хронической сердечной недостаточности. Терапевтический Архив. 2016;88(9):106-110. doi:10.17116/terarkh2016889106-110.
6. Van Tassell BW, Buckley LF, Carbone S, et al. Interleukin-1 blockade in heart failure with preserved ejection fraction: rationale and design of the Diastolic Heart Failure Anakinra Response Trial 2 (D-HART2). Clin Cardiol. 2017 Sep; 40 (9): 626-32. DOI: 10.1002/clc.22719
7. Ziaeeian B, Fonarow GC. Epidemiology and aetiology of heart failure. Nat Rev Cardiol. 2016;13(6):368-78. doi:10.1038/nrcardio.2016.25.

ПОКАЗАТЕЛИ ДИНАМИКИ ЦИТОКИНОВ И С-РЕАКТИВНОГО БЕЛКА У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ НА ФОНЕ ПРОВОДИМОЙ ТЕРАПИИ

Абдурахманов М.М., Хамраев А.Н., Раджабова М.С.

Резюме. Цель исследования: изучить содержа-

ние и корреляцию С-реактивного белка (СРБ) и провоспалительных цитокинов в плазме крови с характером хронической сердечной недостаточности (ХСН), и динамические показатели в результате комплексного лечения у пациентов с сердечной недостаточностью. Материалы и методы. В исследование были включены 126 больных с ХСН, ранее перенесших инфаркт миокарда. Для определения активности воспалительного процесса определяли уровни С-реактивного белка, цитокинов; фактора некроза опухоли - α (TNF- α), интерлейкинов: IL-1 β и IL-6. Результаты. Показатели СРБ и провоспалительных цитокинов у больных, были высокими и достоверно отличались от контрольной группы. Показатели С-реактивного белка было больше в 3,9 раза, IL-6 - в 5,6 раза, IL-1 β - 4,6 раза, TNF- α в 3,1 раза. Использование ингибиторов ангиотензин-превращающего фермента (иАПФ) приводило к уменьшению уровня провоспалительных цитокинов у пациентов с ХСН III функционального класса, и это объясняет достигнутый хороший эффект иАПФ у пациентов данной группы. Такие же результаты достигнуты и при использовании β -адреноблокаторов (БАБ). Заключение. Данные исследования свидетельствуют о том, что ХСН на фоне постинфарктного атеросклероза развивается на фоне иммуновоспалительной цитокиновой активации, степень развития которой прямо пропорционально тяжести заболевания. Определено, достоверное уменьшение показателей провоспалительных цитокинов TNF- α , IL-1 β , IL-6 в группе больных у которых использованы иАПФ и АК.

Ключевые слова: хроническая сердечная недостаточность, цитокины, С-реактивный белок.

БОШ МИЯ ФАЛАЖИ БИЛАН ГИПОКАЛЬЦЕМИЯ ФОНИДА ПАРАНАЗАЛ СИНУСИТЛАРНИ ДАВОЛАШДА КАЛЬЦИЙ D₃ ДОРИ ВОСИТАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ



Абдурахмонов Илхом Рустамович¹, Шамсиев Джахонгир Фазлитдинович²,
Мусоев Содикжон Тоирович¹, Олимжонова Фарангиз Жасуровна²

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПАРАТА КАЛЬЦИЯ D₃ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ПАРАНАЗАЛЬНОГО СИНУСИТА НА ФОНЕ ГИПОКАЛЬЦЕМИИ ПРИ ДЕТСКОМ ЦЕРЕБРАЛЬНОМ ПАРАЛИЧЕ

Абдурахмонов Ильхом Рустамович¹, Шамсиев Джахонгир Фазлитдинович²,
Мусоев Содикжон Тоирович¹, Олимжонова Фарангиз Жасуровна²

1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Ташкентский государственный стоматологический институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

STUDY OF THE EFFICACY OF D₃ CALCIUM IN THE TREATMENT OF PARANASAL SINUSITIS WITH HYPOCALCEMIA IN CHILD CEREBRAL PARALYSIS

Abdurakhmonov Ilkhom Rustamovich¹, Shamsiev Jahongir Fazlitdinovich², Musoev Sodikjon Toirovich¹,
Olimjonova Farangiz Jasurovna²

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent State Dental Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: ilhomjon.lor@mail.ru

Резюме. Болаликдан бош мия фалажи билан даволанаётган беморларда учрайдиган ўткир ва сурункали параназал синуситларни комплекс даволаш, бу гуруҳ беморларни асосий касаллиги реабилитациясида ва ҳаёт сифатини бир мунча оширишда муҳим аҳамият касб этади. 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 98 та болаликдан бош мия фалажи билан параназал синуситлари бор беморларда қондаги кальций миқдори ва бурун бўйлиги шиллиқ қавати мукоцилиар транспорт функцияси текширилди, ҳамда, комплекс давога кальций D₃ дори воситасини қўшиб, унинг клиник самарадорлиги аниқланди. Беморлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ (49 та бемор), назорат гуруҳ (49 та бемор). Барча беморларга комплекс даво муолажалар қилинди, асосий гуруҳдаги беморларга комплекс даво билан бирга кальций D₃ дори воситаси қўшиб берилди. Биз ўтказган текширув натижалари болаликдан бош мия фалажи фонида учрайдиган параназал синуситларни даволашда антибиотикотерапия, симптоматик давога кальций D₃ дори воситасини қўшиб биргаликда қўлаш бурун бўйлиги мукоцилиар транспорт фаолиятини тезлаштиришини ва касаллик белгиларини йўқолишига олиб келишини тасдиқлади.

Калим сўзлар: болаликдан бош мия фалажи, параназал синусит, мукоцилиар транспорт, кальций D₃, гипокальцемия.

Abstract. Comprehensive treatment of paranasal sinusitis that occurs in patients with cerebral palsy plays an important role in the rehabilitation and improvement of the quality of life of this group of patients. The mucociliary transport function of the nasal mucosa was studied in patients with paranasal sinusitis with cerebral palsy and the clinical efficacy of the drug was determined by adding calcium D₃ to the complex treatment. Examined the level of calcium in the blood And the functional state of the nasal mucosa was studied in 98 patients with cerebral palsy aged 3 to 16 years with paranasal sinusitis. All patients were divided into 2 groups: main (49 patients), control (49 patients). Patients of the main group, in addition to complex treatment, received calcium preparation D₃. The results of our study confirmed that the combined use of antibiotic therapy in the treatment of paranasal sinusitis in children with cerebral palsy with the addition of calcium D₃ to symptomatic treatment accelerates the transport activity of the nasal mucosa and leads to the disappearance of symptoms.

Key words: cerebral palsy, paranasal sinusitis, mucociliary transport, calcium D₃, hypocalcemia

Долзарблиги. Болалар бош мия фалажи (ББМФ) - бу ривожланаётган ҳомила ёки янги туғилган чақалоқнинг миясининг прогрессив бўлмаган шикастланиши ва / ёки аномалия туфайли функционал фаолликни чекланиши, ҳамда ҳаракатнинг бузилишига олиб келадиган касалликдир. Болаликдан бош мия фалажи патологияси кўпинча бузилган ҳиссий тизимлар (кўпинча кўриш ва эшитиш), нутқ ва бола ривожланишининг бузилиши, симптоматик эпилепсия, вегетатив касалликлар, иккиламчи ортопедия муаммолари ва бошқалар патологик ҳолатлар бир вақда ривожланади [1, 3]. Маълум бўлишича, бу хилма-хил патологиялар нафақат невролог ва ортопедларнинг, балки бошқа кўплаб педиатрия мутахассисликларни аралашувини талаб қилади [1, 3, 4]. Сўнгги ўн йилликларда ББМФ ҳақидаги ғоялар доимий равишда ўзгариб турди, бу эса беморларни даволаш ва реабилитация қилиш жараёнида касалликнинг кечиш хусусиятларини аниқлаш учун патологиянинг ушбу шаклини услубий жиҳатдан ўрганишни талаб қилади [3, 4]. Кўпгина тиббий амалиётлар болалар церебрал фалажи билан туғилган болаларда охиригача ҳал қилинмай қолинмоқда. Ҳалигача болалар церебрал фалажи билан туғилган болалар индивидуал календар-профилактик эмлашларни чекланган ҳолда қабул қилишяпти ёки умуман эмланилмаяпти. Мия фалажи 18 ёшгача бўлган беморларда ногиронликка олиб келадиган энг кенг тарқалган неврологик патология ҳисобланади [2, 3, 4]. Бу ҳолат юқумли касалликлар билан касалланиш учун жиддий хавф туғдиради. Мултидисциплинарлик ва комплекс ёндашув болалар, ўсмирлар, ҳамда катталар церебрал фалажи муаммосига оид замонавий ғояларнинг асоси ҳисобланади. Шу сабабли, замонавий клиник тиббиётнинг барча сўнгги ютуқлари ушбу неврологик патологиядан азият чекаётган беморларга ёрдам бериш билан шуғулланадиган турли тиббий йўналишлар мутахассисларининг кундалик фаолияти амалиётга максимал даражада татбиқ этилиши керак [1, 2, 3, 4]. Қаладзе Н.Н ва бошқ. (2014), 54 та текширилган ЎРИ билан оғриган беморлар 31(57%) та ва ЛОР аъзолари сурункали инфекция ўчоқлари кўзгалиш даври 18 (58%) тани ташкил қилган [4]. Адабиётлардаги маълумотларга асосан бош мия фалажи билан даволанаётган беморларнинг 70 % гача беморларда тутқаноқ синптоми кузатилади. Бу эса уларнинг узок вақт мобайнида тутқаноққа қарши дори воситалар қабул қилишини тақазо этади. Тутқаноққа қарши дори воситаларни узок вақт давомида қабул қилиш гипокалцемия ривожланишига олиб келади. Қонда калций миқдори нормада 2,1-2,6 ммоль/л бўлиб, 2,1 ммоль/лдан камайса гипокалцемия ҳисобланади.

Гипокалцемия сабабларига Д витамини метаболизми бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар, хужайрада калцийга сезгир рецепторлар патологиялари билан боғлиқ ҳолатлар киради. Айрим дори воситалар (конвулекс, депакин) метаболизм жараёнида ГАМК-трансаминаза ферментини ингибирлайди ва ГАМК биотрасформацияси блокланади. Бунинг натижасида хужайра мембранасидаги натрий, Т тип калций каналлари қисман блокланади ва хужайра ичига калций кириши камаяди. Барбитуратлар (фенобарбитал, бензонал), талвасага қарши дори воситалар цитохром Р450 индукторлари бўлиб ГАМК ни фаоллаштиради ва Д витаминини жигарда метаболизм жараёнини кучайтиради. Д витаминининг парчаланишини ошиб кетиши ичакларда калцийни сўрилишини камайтиради ва гипокалцемияга олиб келади. Кальций миқдорини қонда камайиши организмнинг кўпгина тузилмаларида патологик жараёнларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шулардан бири бу ҳилпилловчи эпителий киприкчаларининг ҳаракатини сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади [5, 6, 11].

Бурун ва бурун ёндош бўликлари яллиғланиш жараёнларида қон томирлари деворининг ўтказувчанлиги ортиши ҳисобига мукацилиар транспорт фаолиятида иштирок этадиган шиллик ажралманинг миқдори, таркибини ва консистенцияси ўзгаришига сабаб бўлади. Шилликнинг патологик ўзгариши бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари сурункали яллиғаниш касалликларининг асосий омилларидан бири ҳисобланади [7, 8, 10]. Секрет ҳосил бўлиши, шунингдек унинг регуляция механизми ҳозирги вақтда охиригача ўрганилмаган. Нафас йуллари секретини мукоциллиар система деб аталадиган ажратиб бўлмас қисмдан таркиб топган ва у инсонни ташқи муҳит зарарли таъсирларидан сақлайдиган биринчи ҳимоя тўсиғи ҳисобланади. Ҳилпилловчи эпителийнинг ҳимоя функцияси кўп жиҳатдан шилликнинг таркибий кўрсаткичларига боғлиқ ҳисобланади. Шилликнинг нормал реологик кўрсаткичи бу нафас орқали тушган заррачаларнинг бурун шиллик ажралмаси орқали бурун-ҳалқумгача етказилиши ҳисобланиб, бунинг учун ўртача вақти 10-20 минутни ташкил қилади. Шиллик характери ва ҳилпилловчи эпителийнинг функционал хусусиятининг оптимал нисбати доимий тушиб турадиган микрофлораларнинг колония ҳосил қилишини олди олишдан иборат. Нормада шиллик мезокрин типидagi бир хужайрали қадахсимон хужайралар орқали ишлаб чиқарилиб турилади. Қадахсимон ва киприксимон хужайраларнинг нормал нисбати ўртача 1:10 бўлиб, қадахсимон хужайралар асосан бурун чиғаноқларида жойлашади. Бурун ва бурун

ёндош бўшлиқлари секретари бир хил кўринишда ҳосил бўлади. Қадахсимон хужайралар ишлаб чиқарадиган умумий ажралма қалинлиги 8-10 мкм ўлчамда бўлиб, иккита қаватга бўлинади. Кимёвий жиҳатдан секрет 95% сувдан иборат бўлиб, ишқорий табиатга эга бўлганда, яъни рН 7.5-7.6 бўлганда золдан гелга айланади. Бундай физик кўрсаткичлар бурун шиллигига суяқлик (оқувчанлик, ёпишқоқлик) ва қаттиқ танача (эластиклик) хусусиятини тақдим этади. Мукоцилиар транспорт кўрсаткичлари бўйича шиллиқ қават функционал ҳолатини баҳолаш мумкин. Шу сабабли бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватининг мукоцилиар клиренсини аниқловчи тестлар текширишнинг энг кўп тарқалган объектив усули ҳисобланади [7, 8, 9]. Ҳилпилловчи эпителий транспорт функциясини ўрганишнинг этарлича усуллари маълум. Бугунги кунда кўпчилик текширувчилар мукоцилиар транспортни ўрганишнинг энг содда ва энг кўп маълумот берадиган метод сифатида сахарин тестини тавсия этишади. Биз муаллифлар фикрига кўшиламыз ва бизнинг нигоҳимизда ҳаққатдан ҳам сахарин тести жуда қулайлиги, сезиларли даражада пул сарфи камлиги ва қўллашнинг оддийлиги сабабли клиник амалиётда кўп қўлланилиши керак [7, 8, 9]. Мукоцилиар транспорт тизими дисфункцияларини диагностика қилиш анча қийин, яна ҳам қийинроғи чиндан ҳам у рецидивланиш жараёни билан боғлиқ ёки боғлиқмаслигини аниқлашдир. Баъзи шахсларда бурун бўшлиғида мукоцилиар транспортнинг бирданига секинлашуви бурун ёндош бўшлиқлари ва трахиобронхиал шохларда ўзини клиник жиҳатдан ҳеч қандай кўринишда намоён қилмайди. Бунинг устига замонавий тадқиқодлар бўйича сурункали синусити бўлган беморларда одатда мукоцилиар транспортнинг секинлашуви ҳам киприкчалар тебраниш частотасининг камайиши ҳам кузатилади. Киприкчалар тебраниш кучи ва частотаси қондаги кальций миқдорига ҳам боғлиқ бўлиб, бир неча тадқиқодларда исботланган. Кальций иони хужайра ташқарисидан ҳилпилловчи эпителий хужайраси ичига хужайра мембранасидаги Т тип каналлар ва натрий каналлари орқали ўтади. Хужайра ичида колмадулин оксиди билан бирикиб (колмадулин оксиди 4 та кальций ионини боғлайди) цАМФ ва цГМФ лар орқали киприкчалар тебранишини таъминлайди [6, 11].

Шундай қилиб, бош мия фалажи билан параназал синусити бор беморларда мукоцилиар транспорт тезлигини текшириш бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг ўткир, сурункали касалликларида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқод мақсади: болалиқдан бош мия фалажи билан ўткир ва сурункали параназал синуситлари бор беморларда бурун бўшлиғи

шиллик қавати мукоцилиар транспорт функциясини қондаги кальций миқдорига боғлиқлигини текшириш ва комплекс давога кальций Д₃ дори воситасини кўшиб, унинг клиник самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқод усуллари ва материаллари: Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси болалар неврологияси бўлими ва маслаҳат поликлиникасида 2019-2021 йиллар давомида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 98 та бош мия фалажи билан даволанаётган беморда ЛОР текшируви (анамнез, шикоятлари, ринскопия, фарингоскопия) ва компьютер томография текширув натижаларига асосланиб параназал синуситларнинг турли шакллари аниқланди. Бу гуруҳ параназал синуситлари бор беморларда қондаги кальций миқдори ва бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг функционал ҳолатини ўргандик. Барча беморларда қоннинг биохимик таҳлили ўтказилиб қондаги кальций миқдори текширилди. Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукоцилиар транспортини текширишда биз стандарт сахарин тестидан фойдаландик. Бунинг учун пастки бурун чиганоғи шиллиқ қавати соҳасига, унинг олдинги учидан тахминан 1 см орқароққа, диаметри 1 мм атрофида келадиган сахарин бўлакчасини киритдик ва текширилувчи оғизда ширин таъм сезгунига қадар секундамер ёрдамида вақтни ҳисобладик. Текшириш ўтказилаётган вақтда бемор ютинмаслиги, акса урмаслиги, бурун қоқмаслиги ва бурун орқали нафас олишни тезлаштирмаслиги тушунтирилди, ютиниш ҳаракатини эса дақиқасига бир марта бажариши кераклиги айтилди. Текшириш олдида шиллиқ қаватни консизлантириш ёки бурун бўшлиғига дори воситаларини киритиш мумкин эмаслигини билган ҳолда текширув олиб борилди. Сахарин вақтининг нормал кўрсаткичлари кенг чегарада ўзгарувчан бўлади, бу вақт шартли равишда 5 дан 20 дақиқагачани ташкил қилади. Агар белгиланган вақт ўтиши билан текширилувчи оғизда ширин таъм сезмаса, биз у сахарин таъминини сезишга лаёқатлилигини аниқлаш учун яна бир бор текширувни такрорладик. Бундан ташқари барча беморларда мукоцилиар дисфункция ташхисини тасдиқлаш учун эндоскопик текширишга асосланган метелин кўки киритиш методидан ҳам фойдаландик. Олинган кўрсаткичларни таққослаш учун бурун ва бурун ёндош бўшлиқларида патологияси бўлмаган 25 та болалиқдан бош мия фалажи билан беморларда ҳам қондаги кальций миқдори ва мукоцилиар транспорт кўрсаткичлари текширилди. Болалиқдан бош мия фалажи билан ўткир ва сурункали параназал синусити бўлган 98 та беморда текширув ўтказилди. Сўнгра беморлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ (49 та бемор),

назорат гуруҳи (49 та бемор). Барча беморларга комплекс даво муолажалар қилинди, асосий гуруҳдаги беморларга комплекс даво билан бирга кальций Д₃ дори воситаси қўшиб берилди ва беморларнинг қондаги кальций миқдори, бурун бўшлиғи шиллиқ қавти функционал ҳолати даволанишдан олдин, 7 ва 30 –кунлар қайта текширилиб натижалар таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари: таққослаш учун бурун ва бурун ёндош бўшлиқларида патологияси бўлмаган 25 та болалиқдан бош мия фалажи билан оғриган бемордан олинган натижа, яъни сахарин киритилган вақтдан оғизда ширин таъм пайдо бўлгунча ўтган вақт 5 дақиқадан 19 дақиқача, ёки ўртача 11,16±0,62 дақиқани, қондаги кальций миқдори 2,28±0,09 ммоль/л ни ташкил қилди. Ўтказилган текширув натижасида бош мия фалажи билан параназал синуситнинг ўткир ва сурункали шакллари билан, яъни асосий гуруҳдаги 49 та бемордан бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукоцилиар тарнспорт вақти 27,31±0,39 дақиқани, қондаги кальций миқдори 1,86±0,02 ммоль/л ни ташкил қилди. Ўтказилган текширув натижасида бош мия фалажи билан параназал синуситнинг ўткир ва сурункали шакллари билан назорат гуруҳидаги 49 та беморда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукоцилиар тарнспорт вақти 27,08±0,42 дақиқани, қондаги кальций миқдори 1,86±0,02 ммоль/л ни ташкил қилди. Текширув натижалари 1-жадвалда кўрсатилган.

Асосий гуруҳдаги барча беморларга кальций Д₃ дори воситаси қўшиб комплекс даво қилинди, назорат гуруҳидаги беморларга кальций

Д₃ дори воситаси берилмасдан антибиотикотерапия, симптоматик даво муолажалар қилинди. Кальций Д₃ (кальций 250 мг, Д₃ 200ТБ) 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга 1 таблеткадан 2 маҳал, 12 ёшдан катта бўлган болаларга 1 таблеткадан 3 маҳал 1 ой мобайнида берилди. 7 ва 30 кунлар бемор бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукацилиар транспорт функцияси ва қондаги кальций миқдори текширилди. Даволаниш бошлангандан 7 кундан сўнг текшириш натижаларида болалиқдан бош мия фалажи билан ўткир ва сурункали параназал синуситларларда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукацилиар транспорти асосий гуруҳдаги беморларда 22,12± 0,44 дақиқани, қондаги кальций миқдори 1,94±0,05ммоль/л ни; назорат гуруҳидаги беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукацилиар транспорти 23,94± 0,42 дақиқани, қондаги кальций миқдори 1,90±0,02 ммоль/л ни ташкил қилди.

Даволаниш бошлангандан 30 кундан сўнг текшириш натижаларида болалиқдан бош мия фалажи билан ўткир ва сурункали синуситларларда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукацилиар транспорти асосий гуруҳдаги беморларда 14,1±0,42 дақиқани, қондаги кальций миқдори 2,2±0,02 ммоль/л ни; назорат гуруҳидаги беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати мукацилиар транспорти 18,82±0,48 дақиқани, қондаги кальций миқдори 2,05±0,02 ммоль/л ни ташкил қилди. Текширув натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

Жадвал 1. Тадқиқот гуруҳларида бош мия фалажи билан параназал синуситнинг ўткир ва сурункали шакллари тақсимланиши

Беморлар гуруҳлари	Асосий гуруҳ БМФ сурункали синусит билан (n=49)		Назорат гуруҳи БМФ ўткир ва сурункали синусит билан (n=49)		БМФ Синусит йук (n=25)	
	(M1±m1)	P	(M2±m2)	P	(M±m)	P
Мукоцилиар клиренс (дақиқаларда)	27,31±0,39	<0,032	27,08±0,42	<0,028	11,16±0,62	<0,040
Қондаги калций миқдори ммоль/л	1,86±0,02	<0,040	1,87±0,02	<0,030	2,28±0,09	<0,050

Жадвал 2. Даволаниш бошлангандан 30 кундан сўнг текшириш натижалари

Текширувлар	Текширув вақтлари	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ	
		БМФ параназал синусит билан (n=49)		БМФ параназал синусит билан (n=49)	
		(M1±m1)	P	(M2±m2)	P
Мукоцилиар клиренс (мин)	Даводан олдин	27,31±0,39	<0,032	27,08±0,42	<0,028
	7-кун	22,12± 0,44	<0,031	23,94± 0,42	<0,04
	30-кун	14,1±0,42	<0,040	18,82±0,48	<0,047
Қондаги кальций миқдори (ммоль/л)	Даводан олдин	1,86±0,02	<0,040	1,87±0,02	<0,030
	7-кун	1,94±0,05	<0,050	1,90±0,02	<0,040
	30-кун	2,2±0,02	<0,040	2,05±0,02	<0,050

Биз ўтказган текширув натижалари кальций Д₃ дори воситаси синуситларни даволашда ишлатилиши мукоцилиар транспорт функциясини тезлашишига сабаб бўлганлигини яққол кўрсатди, бу биринчи етти кунликда кўпроқ номаён бўлди. Бундан ташқари касалликнинг субъектив белгилари асосий гуруҳ беморларда сезиларли даражада йўқолди.

Хулоса. Бош мия фалажи билан гипокальцемия фонидаги параназал синуситларда кальций Д₃ дори воситаси қондаги кальций микдорини оширишига сабаб бўлади. Фармакологик ва физиологик таъсири нуқтаи назардан ҳилпилловчи эпителийда кальций колмодулин оксиди билан боғланиб цАМФ билан биргаликда киприкчалар тебраниш частотасини оширади ва мукоцилиар транспортни тезлаштиради. Шундай қилиб биз ўтказган текширув натижалари болаликдан бош мия фалажи фонида учрайдиган параназал синуситларни даволашда антибиотикотерапия, симптоматик давога кальций Д₃ дори воситасини қўшиб биргаликда қўллаш бурун бўшлиғи мукоцилиар транспорт фаолиятини тезлаштиришини ва касаллик белгиларини йўқолишига олиб келишини тасдиқлади.

Адабиётлар:

1. Рациг Е.Ю., Богомилский М.Р., Лаберко Е.Л. Взаимосвязь особенностей строения слизистой оболочки полости носа и способов введения препаратов для лечения ринита у детей первых лет жизни. «Педиатрия. Журнал им.Г.Н. Сперанского», том 91;№4, 2012
2. Ризаев Ж. А., Шамсиев Р. А. Причины развития кариеса у детей с врожденными расщелинами губы и нёба (обзор литературы) // Вісник проблем біології і медицини. – 2018. – Т. 1. – №. 2 (144). – С. 55-58.
3. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукадиров А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.
4. Ризаев Ж. А. и др. Персонафицированная терапия генерализованного пародонтита на основе интегральной оценки клинико-лабораторных показателей // Журнал «Проблемы биологии и медицины. – 2021. – №. 3. – С. 120.
5. Ризаев Ж. А., Бекжанова О. Е., Ризаев Э. А. Оценка эндогенной интоксикации у детей с герпетическим стоматитом по спектральному составу веществ низкой и средней молекулярной массы //Клиническая стоматология. – 2017. – №. 4. – С. 15-17.
6. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-

COV-2 //Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.

7. Шамсиев Д.Ф., Вохидов У.Н., Каримов О.М. Современный взгляд на диагностику и лечение хронических воспалительных заболеваний носа и околоносовых пазух. «Молодой ученный» международный научный журнал №5 2018 С. 84-88.
8. Шамсиев Д.Ф. Особенности диагностики и хирургического лечения хоанальных полипов. Журнал «Вестник оториноларингологии» 2009, №5 С. 37-39.
9. Шамсиев Д.Ф. Состояние покровного эпителия воспалительных полипов носа «Российская ринология» научно-практический журнал 2005, №2. С.37.
10. Сиддиқов, Олим и др. «Оптимизация применения антибактериальных препаратов в период обострения хронической обструктивной болезни легких». Турецкий журнал физиотерапии и реабилитации 32: 2.
11. Ma W., Silberberg S. D., Priel Z. Distinct axonemal processes underlie spontaneous and stimulated airway ciliary activity //The Journal of general physiology. – 2002. – Т. 120. – №. 6. – С. 875-885.

ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПАРАТА Кальция Д₃ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ПАРНАЗАЛЬНОГО СИНУСИТА НА ФОНЕ ГИПОКАЛЬЦЕМИИ ПРИ ДЕТСКОМ ЦЕРЕБРАЛЬНОМ ПАРАЛИЧЕ

Абдурахмонов И.Р., Шамсиев Дж.Ф., Мусоев С.Т., Олимжонова Ф.Ж.

Резюме. Комплексное лечение параназального синусита, возникающего у больных детским церебральным параличом, играет важную роль в реабилитации и повышении качества жизни этой группы пациентов. Изучена мукоцилиарная транспортная функция слизистой оболочки носа у больных параназальным синуситом с детским церебральным параличом и определена клиническая эффективность препарата путем добавления в комплексное лечение кальция Д₃. Обследованы уровень кальция в крови и функциональное состояние слизистой оболочки полости носа у 98 пациентов с детским церебральным параличом в возрасте от 3 до 16 лет с параназальными синуситами. Все пациенты были разделены на 2 группы: основную (49 пациентов), контрольную (49 пациента). Пациенты основной группы, кроме комплексного лечения, получали препарат кальция Д₃. Результаты нашего исследования подтвердили, что комбинированное применение антибактериальной терапии при лечении параназальных синуситов в детском возрасте на фоне церебрального паралича с добавлением препарата кальция Д₃ к симптоматическому лечению ускоряет транспортную активность слизистой оболочки полости носа и приводит к исчезновению симптомов.

Ключевые слова: детский церебральный паралич, параназальный синусит, мукоцилиарный транспорт, кальций Д₃, гипокальцемия.

МИОКАРД ИНФАРКТИДАН СЎНГИ КАРДИОСКЛЕРОЗИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИ



Агабабян Ирина Рубеновна, Исмоилова Юлдуз Абдувохидовна, Султонова Ноила Рахимовна Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНАЯ АНЕМИЯ У БОЛЬНЫХ С КАРДИОСКЛЕРОЗОМ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОЙ ИНФАРКТА МИОКАРДА

Агабабян Ирина Рубеновна, Исмоилова Юлдуз Абдувохидовна, Султонова Ноила Рахимовна Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

IRON DEFICIENCY ANEMIA IN PATIENTS WITH RECENT CARDIOSCLEROSIS FROM MYOCARDIAL INFARCTION

Aghababyan Irina Rubenovna, Ismoilova Yulduz Abdvokhidovna, Sultonova Noila Rahimovna Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: irina.agababyan17@mail.com

Резюме. Коморбидлик ёки полиморбидлик ҳозирги вақтда кўплаб касалликларнинг натижаларида муҳим аҳамиятга эга [1]. Хусусан, биз ЮИК инфарктдан кейинги кардиосклероз ва турли даражадаги анемияси бўлган беморларда тадқиқот ўтказдик. Текишувдан ўтган беморларда гемоглобин даражасининг ошиши, юрак чиқариши фракциясининг нормаллашишига ва жисмоний машқлар толерантлигининг ошишига ёрдам бериши аниқланди.

Калит сўзлар: юрак ишемик касаллиги, темир танқислиги анемияси, 3 валентли темир препарати.

Abstract. Comorbidity or polymorbidity is currently important in the outcome of many diseases [1]. In particular, we conducted research in patients with post-infarction cardiosclerosis and various degrees of anemia. It was found that increased hemoglobin levels in the examined patients helped to normalize the cardiac ejection fraction and increased exercise tolerance.

Key words: ischemic heart disease, iron deficiency anemia, 3-valent iron preparation.

Долзарблиги. Ҳозирги вақтда коморбидлик муаммоси замонавий клиник амалиётда энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [2,3]. Анемия ЮИК бор беморлар орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу беморларнинг ушбу гуруҳида ҳаёт сифатига салбий таъсир қилади [8]. Юак ишемик касаллиги (ЮИК) темир танқислиги анемияси бор беморнинг ҳаёти учун прогнозни ёмонлаштирадиган омил ҳисобланади. Бироқ, инфарктдан кейинги кардиосклероз (ИККС) билан оғриган беморларда темир танқислиги анемияси билан касалланиш ҳолатлар тўғрисида маълумотлар кам [4,5,7]. Юрак Ишемик касаллиги (ЮИК) – юракнинг қон таъминоти етарли эмаслиги сабабли миокарднинг шикастланишига олиб келадиган патология ҳисобланади. Юрак ишемик касаллигининг ривожланишига олиб келувчи омиллардан бири қоннинг кислород-транспорт функциясининг

бузилиши ҳисобланади [6]. Гемоглобин даражасининг пасайиши ЮИКнинг намоён бўлиш даражасига салбий таъсири борлигини шифокорлар яхши билишади ва кўплаб тадқиқотлар натижасида анемияда гемостаз, миокард метаболизми ва гемодинамиканинг ўзгаришини аниқланган. Шундай қилиб, ИККС билан оғриган беморларда анемия синдроми 17-35% ҳолларда кузатилади [9]. Олинган маълумотлар ушбу муаммони долзарблиги англатиб, ИККС билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва асоратларини камайтириш учун имкон яратади.

Тадқиқот мақсади: Анемия билан оғриган беморларда касалхона босқичида ва узок муддатда 3 валентли темир препаратини қўллаш фонида ИККС касаллигининг ўзига хос кечиши хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббий маркази (СВКТТМ) 1 ва 2-терапия бўлимларига ётқизилган 60 нафар бемор тиббий кўрикдан ўтказилди. Асосий гуруҳга анемия фонида ЭКГ ва эхокардиография бўйича миокард инфаркти ўтказган 30 нафар бемор киритилди. Асосий гуруҳнинг беморларига комплекс даво сифатида темир препарати қўлланилди. Қиёсий гуруҳга анемия фонида миокард инфаркти билан оғриган, темир препаратларидан фойдаланмасдан стандарт терапия қабул қилган 30 нафар бемор киритилган. Анемия тушунчаси остида биз гемоглобин даражасининг эркакларда 130 г/л дан, аёлларда эса 120 г/л дан кам пасайишини тушунамиз, бу ЖССТ анемия мезонларига жавоб беради [1]. Анемия мезонларига гемоглобин даражасининг пасайиши ($Hb < 120$ г/л) ва қоннинг лаборатор текширувларидан: темир танқислиги камқонлиги - гипохромия (ранг индекси $< 0,85$), микроситоз ($MCV < 75$ мм), қон зардобада темир - $< 12,0$ ммол/л, трансферриннинг темир билан тўйинганлиги - $< 15\%$ киради.

Клиник текширув умумий қон таҳлили МЕК 6500 гематологик анализаторида (Нихон Кохден, Япония) эритроцитлар индексларини аниқлаш билан ўтказилди, қон зардобадаги темир, трансферрин, ферритин миқдори гематологик текширувда аниқланди. Якуний нуқтага кўра фотометрик усулда Sapphire-400 анализаторида (Hirose Elektronik System, Япония) ўтказилди; Трансферрин темирнинг тўйинганлик коэффициенти (%) қон зардобадаги темир концентрациясининг (ммол/л) трансферрин концентрациясига (мг/дл) нисбати 398 га кўпайтирилди. Тадқиқот учун қон намунаси эрталаб оч қоринга олинди. Барча беморлар GE Vivid-7 (General Medical Systems, АҚШ) эксперт класс аппарати ёрдамида электрокардиография ва эхокардиографиядан ўтказилди.

Натижалар ва унинг муҳокамаси. Даволашдан олдин қондаги Hb нинг ўртача даражаси умуман олганда $91,4 \pm 3,7$ г/л ни ташкил этди. Концен

Даволашдан олдин қон зардобадаги темир концентрацияси ўртача $7,5 \pm 2,4$ ммол/л; аёлларда - $5,9 \pm 1,1$ ммол/л, эркакларда - $8,4 \pm 1,1$ ммол/л.

Белгиланган нозологик стандартларга мувофиқ 3 валентли темир билан уч ойлик антианемик терапия натижаларига кўра: темир танқислиги камқонлиги билан оғриган беморларда Hb концентрациясининг $17,9\%$ га ошиши ($91,4 \pm 3,7$ г/л дан $114,2 \pm 3,4$ г/л гача, $p < 0,01$) аниқланди, бу қон зардобада Fe концентрациясининг ошиши натижасида юзага келди. $53,3\%$ (даволашдан кейин) - $7,5 \pm 2,4$ ммол/л дан $11,5 \pm 1,4$ гача ($p < 0,001$), бу биринчи навбатда трансферриннинг темир билан тўйинганлигини 93% га

оширишга ёрдам берди - деярли икки баравар ($12,8 \pm 1,9\%$ дан $24,7 \pm$ гача) $1,6\%$, $p < 0,001$).

Гемоглобин даражасининг $17,9\%$ га ошиши билан бир вақтда Ht нинг $13,4\%$ га ўсиши кузатилди, бу трансферритин функциясининг яхшиланиши натижасида эритропоезнинг нормаллашишини кўрсатади.

Қон зардобадаги темир ва гемоглобин даражасини нормаллаштириш фонида юракнинг насос фаоллиги яхшиланди: Чап Коринча ЧФ нинг $22,4\%$ га ўсиши: $42,4 \pm 3,2\%$ дан (даволашдан олдин) $52,2 \pm 3,8\%$ гача (даволашдан кейин) ($p < 0,01$), 5 ($10,0\%$) беморда анемияга қарши терапия давом этаётганида, юрак-қон томир тизимида ижобий динамика кузатилмаган ёки беморларнинг субъектив ҳолатининг ёмонлашуви белгилари қайд этилган. 10 ($30,33\%$) анемик синдромнинг қисман компенсацияси (гемоглобин $120-130$ г / л дан $96-110$ г / л) билан кузатилган беморларда субъектив ҳолатнинг барқарорлашиши ёки яхшиланиши қайд этилган. Юрак уриш тезлигининг $3-6\%$ га бир оз пасайиши ва экстрасистолларнинг $7-12\%$ га камайиши кузатилди. 15 ($65,57$) беморда мақсадли гемоглобин даражасига ($120-130$ г/л) доимий эришиш билан бирга гемик гипоксиянинг тўлиқ компенсациясига эришилди. Беморларда субъектив ҳолати сезиларли яхшиланиш, нафас қисилишининг ва шишнинг сезиларли даражада камайиши ёки тўлиқ йўқолиши эришилди.

Хулоса. Камқонлик синдроми Ўзбекистонда, айниқса, кексалар ва туғиш ёшидаги аёллар орасида анча кенг тарқалган. Беморларнинг ушбу тоифасида анемия ривожланишига олиб келадиган этиологик омилларнинг умумийлигига қарамасдан, ИККС ҳақида гапирилганда анемия синдромини келтириб чиқарадиган ўзига хос нозологияни ҳисобга олиш керак. Анемияни ўз вақтида ва етарли даражада даволаш юрак-қон томир тизимида фойдали таъсир кўрсатади, тахикардия, экстрасистолия, сурункали юрак етишмовчилиги каби ҳолатларни тўлиқ ёки қисман тўхтатади.

Адабиётлар:

1. Агабабян И.Р., Исмоилова Ю.А., Садыкова Ш.Ш. (2022). Особенности течения ишемической болезни сердца на фоне железодефицитной анемии различной степени тяжести и возможности коррекции. Журнал кардиореспираторных исследований, 2(1), 44–46.
2. И.Р.Агабабян., Ю.А. Исмоилова., М.К.Мейлиев Стабил зуриқиш стенокардияни темир танқислик анемияси фонида даволаш хусусиятлари // Академические исследования в области педагогических наук. 2021. №2.
3. Калюта Т. Ю. и др. Сердечная недостаточность и анемия у больных острым инфарктом миокарда

- // Российский кардиологический журнал. – 2005. – №. 1. – С. 16-19.
4. Кондурцев В. А., Павлова Т. В. Классификация причин анемии у больных инфарктом миокарда //Гематология и трансфузиология. – 2004. – Т. 49. – №. 4. – С. 35-39.
5. Менщикова О. А., Кузьмин В. В., Солодушкин С. И. Послеоперационная анемия и риск развития инфаркта миокарда у пациентов пожилого и старческого возраста после тотального эндопротезирования тазобедренного сустава //Гений ортопедии. – 2014. – №. 4. – С. 39-44.
6. Ризаев Ж.А., Агабабян И.Р., Исмоилова Ю.А. Медицинские науки специализированный центр для больных //Вопросы науки и образования. – С. 14.
7. Ризаев, Ж. А., И. Р. Агабабян, анд Ю. А. Исмоилова. "Мировой опыт работы специализированных клиник по лечению больных с хронической сердечной недостаточностью." Вестник врача 3 (2021): 100.
8. Ярашева , З., Исмоилова , Ю., Эшмурадов , У., & Жураева , Д. (2022). Эффективности оральных антикоагулянтов при неклапанной форме фибрилляции предсердий у лиц пожилого возраста.

Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. 2(6), 179–184.

9. Ярашева З. Х. и др. Тактика ведения больных с хронической сердечной недостаточностью на этапе первичной медицинской помощи // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 191-198.

ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНАЯ АНЕМИЯ У БОЛЬНЫХ С КАРДИОСКЛЕРОЗОМ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОЙ ИНФАРКТА МИОКАРДА

Агабабян И.Р., Исмоилова Ю.А., Султонова Н.Р.

Резюме. Коморбидность или полиморбидность в настоящее время играет важную роль в исходе многих заболеваний [1]. В частности, мы проводили исследования у больных с постинфарктным кардиосклерозом и различной степенью анемии. Установлено, что повышение уровня гемоглобина у обследованных больных способствовало нормализации фракции сердечного выброса и повышению толерантности к физической нагрузке.

Ключевые слова: ишемическая болезнь сердца, железодефицитная анемия, препарат трехвалентного железа.

СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Агабабян Ирина Рубеновна, Юсупова Зумрад Кадамбоевна, Бойманов Фарход Холбоевич Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ, АССОЦИИРОВАННОЙ С ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПОЧЕК

Агабабян Ирина Рубеновна, Юсупова Зумрад Кадамбоевна, Бойманов Фарход Холбоевич Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

CLINICAL FEATURES OF CHRONIC HEART FAILURE ASSOCIATED WITH CHRONIC KIDNEY DISEASE

Aghababyan Irina Rubenovna, Yusupova Zumrad Kadambobovna, Boymanov Farhod Kholboevich Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: irina.agababyan17@mail.com

Резюме. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) даволашда сезиларли муваффақиятларига қарамай, энг долзарб тиббий ва ижтимоий–иқтисодий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, чунки ушбу беморларнинг прогнози салбийлигича қолмоқда. Юрак – қон томир тизими патологияси ва буйрақлар ўртасидаги муносабатларни интенсификацияда ўрганиш кардиоренал тушунчасини яралишига олиб келди.

Калим сузлар: сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак касаллиги, юрак-қон томир касалликлари.

Abstract. Chronic heart failure (CHF) remains one of the most urgent medical and socio-economic problems, despite significant progress in treatment, as the prognosis of these patients remains unfavorable. Intensive study of the relationship between the pathology of the cardiovascular system and the kidneys has led to the creation of the concept of cardiorenal syndrome.

Keywords: chronic heart failure, chronic kidney disease, cardiovascular disease.

Сурункали буйрак касаллиги (СБК) ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) умумий тиббий муаммо бўлиб, унинг аҳоли орасида кенг тарқалиши (аҳолининг 10-15%), буйрак етишмовчилигининг (ТБЕ) терминал босқич ва юрак-қон томир асоратлари (СВС) туфайли ногиронлик ва ўлим ривожланиши билан боғлиқ чуқур ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади [1-5].

Ҳозирги вақтда юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари таркибида етакчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистонда умумий ўлимнинг 59,3 фоизини ташкил этади [5]. СБК ва СЮЕ хавфи шундаки, беморлар узок вақт давомида соғлиғида ўзгаришларни сезмайдилар, бу эса СБК ва СЮЕ нинг кеч аниқланишига олиб келади, бу вақтда нефро ва кардиопротектив терапия имкониятлари тугаган бўлади. СБК муаммосининг ўзига хос хусусияти иккиламчи нефропатияларнинг устунлигидир, шунинг учун беморлар узок вақт давомида терапевтлар ва "нефро-

логлар" томонидан кузатилади ва СБК ҳолатлари иккиламчи касаллик сифатида расмий статистика томонидан деярли ҳисобга олинмайди.

Кардиоренал синдром концепциясининг яратилиши, юрак-қон томир тизими ва буйрақлар патологияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлашга олиб келди [6]. Кўпгина тадқиқотларга кўра, гломеруляр филтрация тезлигининг (ГФТ) пасайиши юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши учун мустақил хавф омилли эканлиги аниқланган [1,3,7]. Сурункали буйрак касаллигида (СБК) буйрак функциясининг ўртача пасайиши билан ҳам умумий ва юрак-қон томир касалликларида ўлимнинг ошиши кузатилади [8].

Буйрақларнинг функционал ҳолатининг бузилиши СЮЕ билан оғриган беморларнинг 24-64,7 фоизда кузатилади [1,6,7]. Буйрак патологиясини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш охириги босқичдаги буйрак касаллиги ривожланишини

секинлаштиради, шунингдек, юрак-қон томир касалликлари ва ўлимини камайтиради [2]. Нефрова кардиопротекциянинг асосий йўналишлари бир-бирига мос келади [3]. Даволаш тактикасини танлашда буйрақларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олиш керак [4].

СБК нинг СЮЕ прогнозига таъсирини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо шунга қарамай, буйрақларнинг функционал ҳолатининг СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ клиник хусусиятларига таъсири ўрганилмаганлигича қолмоқда. Маълумки, касалликларнинг эпидемиологияси ва фармакоэпидемиологияси турли мамлакатларда сезиларли даражада фарқланади, шунинг учун СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ тарқалиши ва фармакотерапиясининг миллий ва минтақавий хусусиятларини ўрганиш керак. Ҳозирги вақтда СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ этиопатогенези ва фармакоэпидемиологиясини ўрганиш бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, СЮЕ билан оғриган беморларда буйрақ функциясининг пасайишининг аҳамияти ўрганилмаган.

Аҳоли орасида йўлдош касалликларнинг юқори даражада учраши (1-2%), биринчи марта аниқланган СЮЕ билан СБК бўлган беморлар ўртача ёшининг ўсиши, прогрессив кечиши, касалхонага ётқизиш зарурати ва оқибатининг салбийлиги, ушбу патологик ҳолатни кўшимча ўрганиш зарурлигини белгилайди. [1-4].

Ишнинг мақсади сурункали буйрақ касаллиги билан боғлиқ сурункали юрак етишмовчилигининг клиник хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотга Самарқанд шаҳар ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг СЮЕ бўлимига ётқизилган I-III даражали, СЮЕ I-III функционал синф (ФС) ташхиси билан даволангант 200 нафар бемор танлаб олинди. Сурункали буйрақ касаллиги билан боғлиқ сурункали юрак етишмовчилигининг клиник хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш учун барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-клиник гуруҳ - СЮЕ билан СБК бўлган 120 бемор ва 2-гуруҳ - СБК бўлмаган СБЕ бўлган 80 бемор. Иккала гуруҳдаги беморларда ёши ва жинси бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ эди.

Тадқиқот учун кўшилиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: сўнгги ойда дори терапиясида ўзгаришлар бўлмаган барқарор СЮЕ мавжудлиги, 18 ёшдан ошган беморлар.

Тадқиқотга туғма ёки орттирилган юрак нуқсонлари, келиб чиқиши турлича бўлган юракнинг яллиғланиш касалликлари (эндокардит, миокардит, перикардит), декомпенсацияланган СЮЕ

(ФС IV) охирги уч ой ичида коронар синдром, оғир ўпка, жигар патологияси билан оғир дисфункция билан касалланган беморлар иштирок этмади.

Ахборотланган розилик имзолангандан сўнг, барча беморлар демографик маълумотлар тўплаш, анамнез маълумотлари, антропометрия ёрдамида физик текширув, СЮЕ билан оғриган беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи бўйича СЮЕ оғирлигини баҳолашни ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтказилди.

Натижалар ва унинг муҳокамаси. СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморлар СБК бўлмаган СЮЕ беморларга қараганда ёши катта эди ва СЮЕ ФС юқори бўлган. СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморлар орасида эркаклар устунлик қилди. Бўлмачалар фибрилляцияси ва анемия буйрақ функцияси камайган СЮЕ беморларида кўпроқ кузатилган.

Ушбу намуналар орасида 98 беморда эжексиён фракцияси ($\geq 50\%$), 53 нафарида оралик (40-49%) ва 49 нафарида паст ($< 40\%$) бор эди. Гуруҳлар СЮЕ босқичлари ва функционал синфлари бўйича таққосланган. Беморларнинг ўртача ёши $53,3 \pm 8,7$ ёшни ташкил этди. СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморлар каттароқ эди (жадвал 1), СЮЕ ФС юқори бўлган ва улар орасида эркаклар устунлик қилган.

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 42 (21%) беморларда СЮЕ ривожланиши артериал гипертензия (АГ), 136 (68%) - юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан биргалликда артериал гипертензия туфайли юзага келган.

Сурункали буйрақ касаллиги билан боғлиқ СЮЕ бўлган 120 бемор орасида СБК 1-босқичи 69 (57,5%) беморда, 2-босқичи - 38 (31,7%), 4-босқичи - 12 (10%), 5-босқичи - 1 (0,8%) та беморда аниқланган. Гемодиализдан ўтган беморлар тадқиқотга киритилмаган.

Ўтказилган тадқиқот натижасида ЎртАҚБ даражасида сезиларли фарқ аниқланмади.

СЮЕ билан оғриган беморларда 60 ёшдан катта беморларда гемоглобин паст ($82,7 \pm 15,9$ г/л га нисбатан $104,3 \pm 16,6$ г/л, $p < 0,001$) лиги кузатилиб, анемия (18,0% беморларда 8,9% - < 60 ёш, $p = 0,01$) аниқланди. 60 ёшдан катта бўлган СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморларда гемоглобин ва КФТ ($p = 0,1$, $p = 0,09$) ўртасида статистик аҳамиятга эга корреляцион боғлиқлик йўқлигига аниқланиб, гемоглобин концентрацияси эса СЮЕ нинг ФС билан статистик жиҳатдан муҳим боғлиқликка эга эканлиги кузатилди ($r = -0,17$, $p = 0,003$).

Жадвал 1. СЮЕ билан касалланган беморлар характеристикаси

Кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ (СБК бўлган СЮЕ) Беморлар сони 120 та	Назорат гуруҳ (СБК бўлмаган СБЕ) Беморлар сони 80 та
Эркаклар	82	41
Аёллар	38	39
Ўртача ёши	52,9±7,5	54,4±8,3
СЮЕ функционал синфи		
I ФС	15	23
II ФС	63	36
III ФС	40	21
IV ФС	2	
СЮЕ этиологияси		
ГК	18	24
ЮИК	5	4
ЮИК ва ГК	88	48
Бошқа сабаблар	9	4
Анамнезда миокард инфаркти	37	24
Анамнезда КД	32	18
Анемия	15	6

Жадвал 2. Текширилган гуруҳларда коптокчалар филтрацияси кўрсаткичлари

	Коптокчалар филтрацияси кўрсаткичлари			
	>90 мл/мин / 1,73 м ²	60-89 мл/мин / 1,73 м ²	30-59 мл/мин / 1,73 м ²	<30мл / мин / 1,73 м ²
Асосий гуруҳ	11	18	35	56
Назорат гуруҳ	29	6	5	-

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, СЮЕ билан оғриган беморларда касалликнинг камроқ аниқ субъектив кўринишлари СБК билан боғлиқ бўлса, текширув маълумотлари касалликнинг янада оғир кечишини кўрсатди. СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморларда анемия тез-тез кузатилади, гемоглобин даражаси эса СБК оғирлиги ошиши билан камайганлиги кузатилди.

Турли ёш даврларида ККД билан боғлиқ бўлган СЮЕ клиник кўринишини солиштирганда шуни таъкидлаш мумкинки, кекса одамларда юрак этишмовчилигининг сабаби сифатида коронар артерия касаллиги частотасининг ортиши туфайли беморларнинг ушбу гуруҳида оғир шикоятлари пайдо бўлади. прекордиал минтақа ва юрак ишида узилишлар ҳисси кўпроқ учрайди. Кекса ва кекса ёшдаги СЮЕ белгиларининг оғирлиги ҳам ошди.

Сурункали юрак этишмовчилиги бўлган беморларда сурункали буйрак касаллигининг тарқалиши 36,7% ни ташкил қилади, беморларнинг ёши ва сурункали юрак этишмовчилигининг оғирлашиши (1- функционал синф 21,6% дан 4-функционал синф 34,6% гача) билан ортади, шунингдек, сурункали буйрак касалликларининг тарқалиши барча ёш гуруҳларида ва сурункали юрак

етишмовчилигининг функционал синфидан қатъий назар, аёллар орасида (умуман, 50,3%) кўпроқ кузатилмоқда.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижалари СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ клиник кўринишида сезиларли фарқларни аниқланди. Биринчидан, буйрак функциясининг пасайиши кўпинча кекса одамларда кузатилади ва эркакларда сезиларли устунлик мавжуд. Иккинчидан, СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморларда кучсиз субъектив симптомлар ва беморнинг оғир аҳволи ўртасида номутаносиблик мавжуд. Учинчидан, СБК билан боғлиқ бўлган СЮЕ билан оғриган беморларда анемия тез-тез кузатилган.

Установлено, что по мере прогрессирования ХБП у детей отмечается дальнейшее нарушение внутривисочечной гемодинамики, характеризующееся снижением внутривисочечного кровотока, подтверждаемое снижением показателей систолической скорости кровотока (Vs), диастолической скорости кровотока (Vd), увеличением систолодиастолического соотношения (S/D). По мере увеличения уровня креатинина в сыворотке повышается эхогенность коркового слоя почки. Поскольку изменения эхогенности почек необратимы, можно провести эхографическую классификацию ХБП, который позволит оценить тяжесть ХБП.

Выводы. Таким образом, наилучшим эхографическим параметром, коррелирующим с уровнем креатинина в сыворотке, является эхогенность коркового слоя почек и его градиация по сравнению с продольной длиной, толщиной паренхимы и толщиной коркового слоя у пациентов с ХБП, также ультразвуковая доплерография заменяет рентгеновскую ангиографию и преимущество данного метода перед другими методами визуализации в том, что она обеспечивает оценку кровотока в режиме реального времени.

Литература:

1. Смирнов А.В. Национальные рекомендации. Хроническая болезнь почек: основные принципы скрининга, диагностики, профилактики и подходы к лечению / А. В. Смирнов, Е. М. Шилов, В. А. Добронравова [и др.]. - СПб.: Левша, 2013. - 51 с.
2. Игнатова М. С. Детская нефрология. Руководство для врачей- М.: ООО «Медицинское информационное агентство», 2011.- 696 с.
3. Akbari A., Clase CM, Acott P, et al.: Canadian Society of Nephrology commentary on the KDIGO clinical practice guideline for CKD evaluation and management. *Am J Kidney Dis.* 2015, 65:177-205.
4. Galbraith LE, Ronksley PE, Barnieh LJ, et al.: The see kidney disease targeted screening program for CKD. *Clin J Am Soc Nephrol.* 2016, 11:964-972.
5. K/DOQI Clinical Practice Guidelines for Chronic Kidney Disease: Evaluation Classification Stratification // *A J K D.* - 2002. - № 39. (2 Suppl. 1). - P. 1-266.
6. Levey AS, Coresh J: Chronic kidney disease. *The Lancet.* 2012, 379:165-80. 10.1016/S0140-6736(11)60178-5
7. National Kidney Foundation Kidney Disease Outcomes Quality Initiatives. K/DOQI Clinical Practice Guidelines for Chronic Kidney Disease Evaluation Classification Stratification // *Am J Kidney Dis.* - 2002. - Vol. 39. - P. 1-266.

8. National Kidney Foundation's Kidney Disease Outcomes Quality Initiative clinical practice guidelines for chronic kidney disease in children and adolescents: evaluation, classification, and stratification // Pediatrics. - 2003. - Vol.111. - P. 1416-1421.
9. Siddappa JK, Singla S, Mohammed Al Ameen SC, Kumar N: Correlation of ultrasonographic parameters with serum creatinine in chronic kidney disease. J Clin Imaging Sci. 2013, 3:1-6.
10. Singh A, Gupta K, Chander R, Vira M: Sonographic grading of renal cortical echogenicity and raised serum creatinine in patients with chronic kidney disease. J Evolution Med Dent Sci. 2016, 5:2279-2286.

**ПРИМЕНЕНИЕ ДОППЛЕРОГРАФИИ В
ДИАГНОСТИКЕ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ
ПОЧЕК У ДЕТЕЙ**

*Юсупалиева Г.А., Абзалова М.Я., Султанова Л.Р.,
Юлдашев Т.А.*

Резюме. Актуальность. Хроническая болезнь почек (ХБП) является одной из актуальных проблем современной педиатрии и нефрологии, что связано с неуклонным ростом частоты хронических прогрессирующих заболеваний почек, развитием хронической почечной недостаточности (ХПН) и ранней инвалидизацией

больных уже в детском возрасте. Цель исследования. Изучить возможности комплексной эхографии в диагностике хронической болезни почек (ХБП) у детей. Материал и методы исследования. Исследования проводились в отделениях лучевой диагностики Национального детского медицинского центра и клиники Ташкентского педиатрического медицинского института, с января по октябрь 2022 года. Учитывались все дети, направленные на УЗИ почек, у которых был повышенный креатинин, общее количество больных составила 70 детей. В группу обследования вошли дети с ХБП стадии 3/4/5 и СКФ <60 мл/мин, и в исследования были включены дети старше 10 лет (41 (58,5%) мальчиков и 29 (41,5%) девочек). Комплексную эхографию почек выполняли с использованием стандартного ультразвукового аппарата Aplio 500 (Япония) в режимах серой шкалы, цветного доплеровского картирования (ЦДК) и импульсно-волновой доплерографии с использованием конвексного датчика частотой 3,5-5,0 МГц. Выводы. Допплерография считается более точным, чем обычная серошкальная эхография, поскольку она предоставляет функциональную и сосудистую информацию, которой не хватает при ультразвуковом исследовании в градациях серого. Ультразвуковая доплерография позволяет оценить особенности почечной и внепочечной васкуляризации.

Ключевые слова: почка, лабораторная диагностика, комплексная эхография, доплерография, хроническая болезнь почек у детей.

БОЛАЛАРДА ТУНГИ ЭНУРЕЗНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ



Юсупов Алимардон Мирза ўгли, Джурабекова Азиза Тахировна, Исанова Шоира Тўлкиновна, Мухтарова Мафтуна Алишеровна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ЭНУРЕЗА У ДЕТЕЙ

Юсупов Алимардон Мирза угли, Джурабекова Азиза Тахировна, Исанова Шоира Тулкиновна, Мухтарова Мафтуна Алишеровна
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

DIAGNOSIS AND TREATMENT OF ENURESIS IN CHILDREN

Yusupov Alimardon Mirza ugli, Djurabekova Aziza Takhirovna, Isanova Shoira Tulkinovna, Mukhtarova Maftuna Alisherovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammi.uz

Резюме. Тунги энурез бу сийдик ажратишининг назоратини бузилиши бўлиб, боланинг уйқусида ихтиёрсиз сийдик ажратиши билан ифодланади. Ушбу касаллик 4 - 15 ёшларда 2,3-30 % учраб, болаларнинг ҳар 3-4 тасининг бирида кузатилиши ушбу ҳолатнинг долзарблигини таъкидлайди. Бугунги кунга келиб тунги энурез болалар орасида кенг тарқалиб, боланинг фақатгина соғлиғигагина эмас, балки болада руҳий бузилишлар билан бирга боланинг соғлом жамиятда ўз ўрнини эгаллашда ижтимоий тўсиқлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: болалар, тунги энурез, ташхислаш, даволаш, транскраниал магнитостимуляция.

Abstract. Nocturnal enuresis is a violation of urination control, which is expressed by the involuntary urination of a child during sleep. This disease occurs in 2.3-30% of children aged 4-15 and is observed in every 3-4 children, which emphasizes the relevance of this condition. Today, nocturnal enuresis is widespread among children and not only harms the health of the child, but is also considered one of the social obstacles for the child to take his place in a healthy society, along with mental disorders in the child.

Key words: children, nocturnal enuresis, diagnosis, treatment, transcranial magnetic stimulation.

Долзарблиги. Қадимги Миср папирусларида XV асрда тунги вақтда сийдик тута олмаслик, тунги энурез (юнонча "enureo" дан - сийдик чиқариш) билан боғлиқ аломатлар тасвирланган. Мавжуд адабиётларда тунги энурез ёки сийдик тута олмаслик фақат 5 ёшдан бошлаб, яни бола сийдик пуфаги фаолияти назорат қила оладиган меърий ёшига етганида ташхисланиши таъкидланган [1, 3]. Ушбу болалик давридаги сийдик тута олмаслик ёки сийдик ажратишни назоратининг бузилиши кўплаб мутахассисларнинг қизиқишини акс еттиради: педиатрлар, психиатрлар, неврологлар, нефрологлар ва бошқалар. Вужудга келиш частотаси бўйича статистик маълумотлар ижтимоий ҳаёт шароитларига, ёш тоифаларига, гендер фарқларига қараб хилма-хилдир. Демак,

ўғил ва қиз болаларнинг нисбати 3:2 [2, 6] деб ҳисобланади.

GWAS ассоциацияси томонидан 2018 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари илмий олами орасида катта ютуқ бўлиб, бу тўшақда намлаш ирсий эканлигини кўрсатмоқда, бу ерда ўзига хос генлар тахлили шуни кўрсатадики, агар ота-оналар энурезни ривожланиш хавфи 11 бараварга ошади [5, 7]. Ушбу тадқиқот касалликнинг биологик жараёнини тушуниш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, ушбу касаллик билан даволанмаган болалар ўсмирлик ва ундан катта ёшдаги касалликнинг тарқалиш фозини сақлаб қоладилар, шу билан бирга болада руҳий бузилишларни кучайтиради, ҳамда болаларнинг соғлом жамиятда ижтимоий тўсиқлардан бири бўлиб ҳисобланади [3, 4]. Шубҳасиз, психо-ижтимоий чеклаш жараёни болаларда энурезнинг

частотасига таъсир қилади, деб айтиш қийин, кўплаб муаллифлар ҳаётнинг паст даражаси касалликнинг ривожланиш хавфи деб ҳисоблашади [2, 7]. Тунги энурезли болаларда тегишли ва муҳим омил - бу касалликнинг сабабини аниқлаш ва даволанишни оптималлаштириш учун 4-5 ёшдан кечиктирмасдан шифокорга ерта ташриф буюриш; ва олдинги санада, тунги энурезни олдини олиш чораларини қўллаш керак.

Тадқиқот мақсади. Болаларда тунги энурезнинг клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва даволаш йўналишини янада оптималлаштириш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Самарқанд давлат тиббиёт университети (СамДТУ) кўп тармоқли клиникасининг болалар неврологияси бўлимида стационар даволанган болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Четлаш мезонлари асосида 2020-2022 йиллар мобайнида 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган 38 нафар энурезли болалар танлаб олинди. Тадқиқотга сийдик тизимининг органик касалликлари бўлган беморлар киритилмади; болаларнинг ўртача ёши 7 ± 2 йилни қамраб олди, ўғил болалар 26та, қизлар 12та. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида мавжуд ирсий мойилликни аниқлаш учун ота-оналарнинг анамнези ҳисобга олинди. Тадқиқотда қоннинг биокимёвий текшириши ва сийдик таҳлили (яллиғланиш жараёнини истисно қилиш учун) текшируви ўтказилди. Инструментал тадқиқот усулларида буйрак, сийдик йўли ва сийдик пуфагининг ултратовушли текширувини ўз ичига олади; лумбосакрал умуртқа поғонасининг рақамли рентгенографияси, юқоридаги тадқиқотлар сингари, истисносиз барча болалар учун ўтказилди. Болаларнинг ёши контингентига мувофиқ уларнинг психоневрологик текшируви касаллик фониди ташвиш ва депрессия даражасининг ҳолати ҳақида маълумот олиш учун болалар учун ўзгартирилган Спилберг-Ханин шкаласи бўйича даволанишдан олдин ва кейин ўтказилди. Статистик ишлов бериш шахсий компютерда, вариацион статистикадан фойдаланган ҳолда, меърий ҳисоблаш мезонларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқот натижаси. Саралаш мезонларига мувофиқ, 2 йил муддатга (2020-2022) 38 нафар энурез аниқланган бола танлаб олинди. Кечаси уйку вақтида сийдик тута олмаслик ҳар куни 18%, болаларнинг 54% да ҳафтада 1-2 марта, бошқа ҳолларда 28% ҳолларда ойига 2-3 марта кузатилган. Вишневский формуласи (2,6) бўйича сийдик ажратишнинг бузилиши даражасини баҳолаш баллари текширилган болаларда аниқланиб, ётоқда намлаш (М) ўртача 3, (м) ўртача 1,5; сийдик пуфаги ҳажми (мл) (м) 1,7, (м)

1,25, бу ерда ишончлилик 0,600га тенг эди. Олинган анамнезтик маълумотларга кўра, ота-оналардан бирида ушбу касаллик ҳолатлари мавжуд бўлиб, улар текширилганларнинг ўртача 10% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, 25,5% ҳолларда энурез билан текширилган болаларнинг оналарида ҳомиладорлик даврида ҳомила тушиш хавфи бўлганлиги аниқланди, 3 нафар бола еса кам вазн билан муддатидан олдин туғилган. Болалар неврологияси бўлими мутахассислари билан биргаликда ўтказилган текширувда болаларнинг динамик омилнинг хусусиятлари аниқланган, кунлик сийиш нормадан юқори бўлганлиги 32% га тўғри келган, суткалик сийиш сони еса меъёрдан ўртача 12,6% га камайган. Ултратовуш текшируви кўрсаткичлари стандарт ташхислаш усулларида бири сифатида буйрак босими оҳангини тартибга солишни аниқлаш ва сийдик тизимининг органик ўзгаришларини, аномалияларини фарқлаш учун зарурдир. Фақат битта беморда буйрак жомининг дубликацияси, иккиланиши кузатилди, битта беморда еса буйракнинг бир томонидаги ҳаракатчанлиги нормага нисбатан кўпроқ ошганлигини кўрдик. Рақамли рентгенографиядан фойдаланиш рентген нурланишининг кичик дозаларида ва яхшилانган тасвирлар билан вақтни тежашга барча педиатрик беморлар учун диагностика текширувини ўтказиш имконини беради. Болаларнинг умумий сонидан, тадқиқотда енг муҳими, фақат 15,3% умуртқа поғонаси ривожланишида туғма нуқсон сифатида спина бифида (лумбосакрал) борлиги аниқланди. Шу билан бирга, нервлар ва умуртқа поғонасининг шикастланиши аниқланмади ва ушбу таъсир қилувчи аниқ белгилар ва аломатлар йўқ эди. Ушбу олинган маълумотлар адабиётлардаги маълумотларга мос келади, аммо баъзи тадқиқотларда [1, 3, 7] муаллифлар бу нуқсон тунги вақтда сийдик тута олмаслик билан оғриган беморларни даволашга таъсир қилади ва бунинг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкинлиги ва энурезни даволашда прогностик омил сифатида баҳоланган. Текширилаётган болаларда C1-C2 соҳасида спина бифида 5% да аниқланган, бошқа ҳолларда L1-L2 соҳаларида ёйларнинг бирлашиши кузатилмаган. Ушбу тадқиқотнинг мақсадларига мувофиқ, болаларнинг руҳий ҳолатининг хусусиятлари ўрганилди. Кўпинча болаларда мактаб ёшида узок муддат давомида энурез намоён бўлган. Гаврилина А.А. бир вақтнинг ўзиде (2001) энурезли болаларнинг характеридаги шахсий ўзгаришларни тасвирлайди. Тадқиқотимизга кўра, 6-7 ёшдан ошган болаларда 85% ҳолларда ташвиш, эмоционал лабиллик шаклида невротик бузилиш белгилари мавжудлиги аниқланди; 40% ҳолларда ўзини паст баҳолайди; тажовузкор эса болаларда камроқ бўлсада 17% ҳолларда

кузатилди. Бунга ёрқин мисол - 7 ёшли қизнинг таърифи, унинг оиласида иккинчи фарзанд пайдо бўлган, табиийки, кўпроқ эътиборга муҳтож, қиз бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади, мактабда жанжал қилади ва мактабдан кейин у уйга боришдан бош тортади ва кундузги энкопрезнинг бир нечта ҳолатлари кузатилган. Сўровнома асосида олинган маълумотлар болаларда юқори даражадаги хавотир 22% дан ортиқни қайд этди; кечалари сийиш бузилган болаларда асабийликни яна бир бор тасдиқлайди. Шундай қилиб, текширилган болаларда ота-оналарнинг ётоқда намлаш, неврологик текширувлар ҳақида шикоятлари фокал ўзгаришларни бермайди, фақат лумбосакрал соҳанинг нисбатан текисланганлиги (кефоз), бу соҳанинг нисбатан аниқ туклилиги бундан мустасно. Сийдик чиқариш тизимининг органик бузилишлари лаборатория ва инструментал тадқиқотлар билан аниқланмаган. Каттароқ болаларда энурезнинг узок давом этган ҳолатларида шахсий ташвиш, тажовузкорлик, изоляция даражаси ошади.

Ишнинг кейинги босқичи даволаш тактикасини оптималлаштиришни назарда тутилди. Болалар гуруҳларга бўлинди, биринчи гуруҳ десмопрессин шаклида дори-дармонларни қабул қилди, (интронозал) кунига 1-2 дозада 1-2 томчи (20 мг гача); препаратнинг таъсир қилиш муддати 8 соатдан ортиқ; асосий таъсир, сийиш ҳажмининг пасайишига олиб келади, шунингдек марказий генезга таъсир қилади. Худди шу гуруҳда магнитотерапия сеанслари сервикал-бўйинбоғ зонаси ва лумбосакрал минтақа даражасида (бир-бирини алмаштириб) ўтказилди. II гуруҳга 26 ёшдаги болалар ва узокроқ курсга эга катта ёшдагилар киради. Иккинчи гуруҳ (II) фақат дори даволаш, дори десмопрессинитронасаллий олди. Даволашнинг динамикасини ўрганиш учун текшириш учун қайта кўрик 3 ойдан кейин амалга оширилди. Терапия самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳати, барча ота-оналар маълум қоидаларни кўрсатилган маълумотга 'га сўровнома олдилар (даволанишни тўхтатмаслик, камида 10 "курук" кечага еришиш, "будилник" усулидан фойдаланиш; болани тунда туришга ўргатиш. қовуқни ҳар соатда бўшатиш; ётишдан олдин ва тун давомида суюқлик истеъмол қилишни тақиқлаш; нам кечаларни кузатиш учун кундаликдан фойдалаш). Махсус ҳолатларда, оғир ташвишли болаларга антидепрессант амитриптилинни (7 ёшдан ошган) қабул қилиш тавсия етилди, бундай болаларнинг паст фоизини ҳисобга олган ҳолда, уларни маълум бир гуруҳга ажратмаслик, уларни II гуруҳга қолдиришга қарор қилинди. Комбинацияланган терапия (дори-дармон ва физиотерапия), антидепрессанциз

қабул қилинган энурезли II гуруҳдаги болаларни даволаш таҳлили натижаси - 16 нафар болада ишонч даражаси пасайган эди.

Ўтказилган даво муолажаларидан сўнг болаларда энурезнинг уч ой ичида намоён бўлиши 81% га камайди. Сийдик қовуғининг ҳажми ўртача 30% га ошди. Даволанишдан сўнг бир болада сийдик тута олмаслик эпизодлари кузатилди ва бир беморда даволаниш самарадорлигини сезмади, бемор уродинамик параметрларнинг бузилишини истисно қилиш учун қўшимча диагностика босқичларига юборилди. Худди шу гуруҳда 10 нафар бола, дисмопрессин, магнетотерапияга қўшимча равишда (сервико-бўйинбоғ зонасида 10 сеанс, бир ойлик танаффус, лумбосакрал минтақада 10 сеанс), қўшимча равишда амитриптилин (антидепрессант) қабул қилинди. 3 ой давомида терапия самарадорлиги юқори эканлигини исботлади. Энурезнинг намоён бўлиши амалда кузатилмади, болалар тинчланди, ўзига ишонди, ичиш режимига, "будилник" режимига риоя қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиш учун мотивация пайдо бўлди. II гуруҳда фақат дори монотерапиясини олган болалар сони 12 тани ташкил этди. Даволанишдан сўнг, 3 ойдан сўнг эса кузатув ишончилиги пасайганлигини кўрсатди, сийдик тута олмаслик 3 болада ўзгаришсиз қолди. Қувик ҳажми 28,7% га ошди; енгиллик (тўлик тикланиш учун) 2 болада қайд этилган, тунги сийдик тута олмаслик эпизодларининг камайиши аҳамиятсиз эди. Энурез билан оғриган 3 нафар бола, шунингдек, энурез билан касалланган 1-гуруҳ бемори уродинамик кўрсаткичларни қўшимча текширишга муҳтож еди. Бир оз яхшиланган болалар физиотерапия даволашга юборилди (I гуруҳда қўлланиладиган схема бўйича). Шундай қилиб, ноорганик келиб чиқадиган тунги сийдик тута олмаслик - энурез билан оғриган болаларни даволаш натижаси шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ болаларида тунги сийдик чиқариш эпизодлари аниқ пасайган, сийдик пуфаги ҳажми сезиларли даражада ошган ($p = 0,05$). Шунга кўра, магнетотерапия уродинамиканинг нормаллашувига таъсир қиладиган комбинацияланган дори ва физиотерапия даволашнинг самарадорлигини кўриш мумкин. Хавотирлик белгилари бўлган бир гуруҳдаги катта ёшдаги болалар, қўшимча равишда антидепрессантларни (комбинацияланган терапияда) олган ҳолда, касалликнинг узок давом этишига қарамай, тўлик тикланишни қайд етдилар; бу мураккаб терапия самарадорлигини ошириш учун руҳий ҳолат омилини, даволаниш босқичида тузатишни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева Н.Н., Исанова Ш.Т., Джурабекова А.Т., Азизова Р.Б., Мухтарова М.А. Ўсмирларда метаболик синдромдаги клиник – неврологик ва вегетатив ўзгаришлар. Проблемы биологии и медицины. 2020 №4 (120)
2. Джурабекова А.Т., Исанова Ш.Т., Абдуллаева Н.Н. Ўсмирларда семизликнинг узига хос клиник – психологик хусусиятлари. Проблемы биологии и медицины. 2020. №3(119).
3. Исанова Шоира Тулкиновна, Утаганова Гулжапон Холмуминовна, Турсунова Мохинбону Тулкиновна, Мухторова Мафтуна Алишеровна. Особенности клинического проявления неврологических и вегетативных нарушений у подростков с метаболическим синдромом. Проблемы биологии и медицины. 2020. №3(119).
4. Ризаев Ж. А., Хакимова С. З., Заболотских Н. В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза // Uzbek journal of case reports. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 18-25.
5. Тоиров Э. С., Абдуллаева Н. Н. Способы терапии невротических нарушений у больных при ревматоидном артрите // Вопросы науки и образования. – 2019. – №. 28 (77). – С. 24-33.
6. Шмырина, К. В., Вязикова, Н. Ф., Абдуллаева, Н. Н., & Исламова, Д. С. (2017). Роль среднего медицинского персонала в реабилитации пациентов с последствиями перенесенного острого нарушения мозгового кровообращения. Здоровье, демография, экология финно-угорских народов, (4), 21-24.
7. Юсупов А.М., Джурабекова А.Т., Утаганова Г.Х., Савронов Ж.С. Болаларда энурезнинг хавф омиллари, клиник ва неврологик параметрлари ва даволашни оптималлаштириш // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(3): p. 258-261
8. Gaibiev A.A., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T. Clinical and laboratory changes in diabetic neuropathy in adolescents / International scientific research journal ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 4, April, 2022

9. Gaybullaev E. A., Rizaev J. A., Abdullaev B. S. Clinical and Instrumental Evaluation of the Effectiveness of Surgical Treatment of Chronic Generalized Periodontitis Using RANK-RANKL-OPG Biomarkers // Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4.
10. Khasanov I. I., Rizaev J. A., Shomurodov K. E. Specific features of dental implantation in patients with maxillary sinusitis // EPRA International Journal of Socio-Economic and Environmental Outlook. – 2020. – Т. 7. – №. 5. – С. 9-17.
11. Isanova Sh.T., Djurabekova A. T., Abdullaeva N. N., Muxtarova M.A. Sustained attention in children with obesity. «NEVROLOGIYA»—4(84), 2020. 147 стр.
12. Radjabov S., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T. Determination of early diagnostic and neurological signs in patients with systemic lupus erythematosus. // Galaxy international, interdisciplinary research journal. Vol.10. No.9(2022) :GIIRJ
13. Sh.S.Ollanova., N.N.Abdullaeva., Sh.T.Isanova. Clinical and neurological manifestations of pain syndrome of parkinson's disease // Web of scientist^international scientific research journal. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 3, Mar., 2022. Website: <https://wos.academiascience.org>.

ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ЭНУРЕЗА У ДЕТЕЙ

Юсупов А.М., Джурабекова А.Т., Исанова Ш.Т., Мухтарова М.А.

Резюме. Ночной энурез – это нарушение контроля над мочеиспусканием, которое выражается произвольным мочеиспусканием ребенка во время сна. Это заболевание встречается у 2,3-30% детей 4-15 лет и наблюдается у каждого 3-4 ребенка, что подчеркивает актуальность данного состояния. На сегодняшний день ночной энурез широко распространен среди детей и не только наносит вред здоровью ребенка, но и считается одним из социальных препятствий для занятия ребенком своего места в здоровом обществе наряду с психическими расстройствами у ребенка.

Ключевые слова: дети, ночной энурез, диагностика, лечение, транскраниальная магнитная стимуляция.

УДК: 616.1/9-616.5-003.871

ТУҒМА ИХТИОЗ КАССАЛИГИДА ТЕРИ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ТУРЛИ ЁШГА ХОС МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ



Абдуллаев Султон Давлат ўғли, Жуманов Зиядулла Эшмаматович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СТРУКТУР КОЖИ ПРИ ВРОЖДЕННОМ ИХТИОЗЕ В РАЗНОМ ВОЗРАСТЕ

Абдуллаев Султон Давлат угли, Жуманов Зиядулла Эшмаматович
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF SKIN STRUCTURES IN CONGENITAL ICHTHYOSIS AT DIFFERENT AGES

Abdullaev Sultan Davlat ugly, Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: sulton.abdullaev.1992@mail.ru

Резюме. Туғма ихтиоз касаллигининг терида бўладиган структуравий ўзгаришларни морфологиясини ёшга боғлиқ жиҳатларини очиб бериш мақсадида 162 нафар бемор терисидан олинган биоптатлар микроскопик текширувдан ўтказилди. Туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган 1-5 ёшли болалар терисидан тери қаватларининг суст ривожланиб бориши 6-10 ёшгагача давом этади. Теридаги регенератив ҳолатлар балозат ёшида энг чўққисига етади. Кейинги ёшларда регенератив ҳолатлар сустлаша бориб, 21-25 ёшдагилар терисидан атрофик жараён ривожланади. 26-30 ёшда склеротик жараёнлар қўшилади ва 30 ёшдан катталарда склеротик жараёнлар авж олди.

Калим сўзлар: Туғма ихтиоз, эпидермис, дерма, гиподерма.

Abstract. In order to identify age-related aspects of structural skin changes in congenital ichthyosis, skin biopsies of 162 patients were subjected to microscopic examination. In the skin of children 1-5 years old with congenital ichthyosis, the slow development of the skin layers continues until 6-10 years of age. Regenerative conditions in the skin reach their peak in adulthood. In late youth, regenerative states slow down, and an atrophic process develops in the skin of 21-25 years. At the age of 26-30, sclerotic processes join, and at the age of 30, sclerotic processes intensify.

Keywords: congenital ichthyosis, epidermis, dermis, hypodermis.

Дерматологик касалликларнинг умумий структурасида туғма ихтиознинг нисбатан юқори даражаси, унинг давомийлиги, даволашдаги қийинчиликлар ва унинг самарадорлигининг пастлиги шифокорлик амалиётида ва педиатрлар олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга қадар туғма ихтиоз касаллигини даволаш юзасидан ягона келишув мавжуд эмас, стероид гармонларни қўллаш бўйича эса, қарама-қаршиликлар мавжуд [1,3,10,11,13,14]. Ихтиоз касаллиги соғлиқни сақлашнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат эса ихтиоз касаллигини ўрганиш ва эпидемиологик тарқалишини баҳолаш

ва узок муддатли даволаш натижаларини тайинлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради [16]. Маҳаллий ва хорижий адабиётларда кератодермадаги морфологик ўзгаришларни, хусусан ихтиозни ўрганишга бағишланган кўплаб адабиётлар мавжуд [2,6,7,8,9,12,13,14,15]. Жумладан ихтиоз касаллигида терида бўладиган патологик жараённи морфологик текшириш далилий тиббиётга асосланган объектив усуллардан бири эканлиги таъкидланади [4,5].

Бугунги кунга қадар ихтиоз касаллигининг морфологик диагностикаси бўйича тўлақонли ва тизимли ёндашув мавжуд эмас. Ирсий дерматозларнинг ривожланишида эпидермис


хужайраларининг пролифератив фаоллигининг роли ҳозирга қадар ҳал қилинмаган муаммо бўлиб турибди ва ташхислаш жараёнида ихтиозга хос патологоанатомик мезон мавжуд эмас. Кератиноцитлар ва эпидермиснинг бошқа хужайраларининг кўпайиши, иммун тизим хужайралари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмлари ва эпителия хужайраларининг пролифератив фаоллиги ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун ихтиознинг у ёки бу шаклида эпидермис ҳолатини аниқлашга имкон берадиган ўзига хос патоморфологик мезонларни текшириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди [2,5,9].

Тадқиқотнинг мақсади. туғма ихтиоз касаллигининг терида бўладиган структуравий ўзгаришларни морфологиясини ёшга боғлиқ жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Туғма ихтиоз касаллиги билан туғилган 162 нафар бемор терисидан олинган биоптатлар микроскопик текширувдан ўтказилди. Беморларнинг 110 нафари (78 %) эркак жинсига, 52 нафари (22 %) аёл жинсига мансубдир. Махсус гистологик текшируви учун материал биоптатлар беморларнинг қорин терисидан олинди. Олинган тўқима бўлакчалари 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван-гизон бўйича, эластик толаларни аниқлаш учун Вейгерт бўйича (резорцин-фуксин бўёғида) бўялди. Микрофотография усуллари ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Туғма ихтиоз касаллиги билан туғилган беморлар терисининг

барча қаватларидаги 1-5 ёшли беморларда, эпидермиснинг мугуз қавати юқалиги, аксарият жойларида бир-бирдан ўзилишлар содир бўлганлиги аниқланади. Ялтироқ қаватини яхши ривожланмаган, эгаллаб турган майдони ўчоқли хусусиятга эга. Донадор қават хужайралари кўрув майдонида жуда камчиликни ташкил этади, “чизик” кўринишида намоён бўлади. Мальпиги қаватида базал қавати хужайралари камчиликни ташкил этади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида шишиниш аниқланади. Аксарият хужайраларнинг ядроси марказдан четда жойлашган. Кўплаб хужайраларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис жараёни аниқланса, кўпчилик хужайраларнинг ядросида кариолизис аниқланади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг хужайраларида пассив митотик бўлиниш ҳолатидаги хужайралар аниқланади. Тикансимон қават хужайраларининг сони ва қаторлар сони камлиги аниқланади. Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари калта ва бироз кенгайган бўлиб, аксарият жойларда аниқланмайди. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, дерманинг коллаген толалар калталашган, коллаген толаларида оралик шишиниш кузатилади. Тўрсимон қаватда коллаген толаларга нисбатан эластик толалар сони кўпчилиги аниқланади. Бир кўрув майдонида 3-4 тагача соч фолликулалари, якка-дуқка тер ва ёғ безлари борлиги аниқланади. Тери тузилмаларидаги хужайраларида регенератив жараёнларнинг суст кечаётганлиги тери қаватларидаги хужайравий ўзгаришларда яққол кўзга ташланади.



Расм 1. Турли ёшдаги туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган беморлар тери тузилмалари динамикаси. Вейгерт усулида бўялган. Об.40, о.10

Дерманинг юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган, девори бироз қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланади (расм1).

Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари кенг, деворлари юпқалиги аниқланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонли. Тери ости ёғ клеткаси кучсиз ривожланган.

6-10 ёшли беморлар терисининг барча қаватларидаги морфологик ўзгаришлар, ёшга боғлиқ ҳолда тери тузилмаларидаги хужайраларида регенератив жараёнларнинг бироз фаолиқ ҳолатини кўрсатади. эпидермиснинг мугуз қавати нисбатан қалинроқ, аксарият жойларида бир-бирдан ўзилишлар содир бўлган. Ялтироқ қаватини яхши ривожланган. Донадор қават хужайралари кўрув майдонида яққол кўзга ташланади, хужайраларининг атрофида доначалар майда кўринишида намоён бўлади. Жумладан Мальпиги қавати хужайраларида митотик бўлинишлар ва тикансимон қаватда хужайралар қатори кўпайганлиги кўзга ташланади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида шишиниш аниқланади. Аксарият хужайраларнинг ядроси марказда жойлашган. Кўплаб хужайраларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис жараёни аниқланса, айрим хужайраларнинг ядросида кариолизис аниқланади. Донадор қават хужайраларида митотик бўлинишлар, ялтироқ ва мугуз қаватининг бироз қалинлашуви аниқланади. Дерманинг сўрғич қавати айрим жойларида яхши ривожланган. Эпидермиснинг базал қавати хужайралари камчиликни ташкил этади. Бир кўрув майдонида 3-4 тагача соч фолликулалари, 4-8 тага яқин тер ва ёғ безлари борлиги аниқланади. Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари узайган бўлиб, аксарият жойларда аниқланади. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, дерманинг коллаген толалар калталашган, коллаген толаларида оралиқ шишиниш кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари қалинлашган, оралиқ шишиниш кузатилади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган ҳолатида, девори бироз қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланади. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, эндотелиоцитлар нотекис жойлашган шишиниш кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари кенг, деворлари юпқалиги аниқланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги ва ёғ клеткаси яхши ривожланганлиги аниқланади.

Туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган 11-15 ёшли беморлар тери тузилмалари эпидермиснинг мугуз қавати қалин. Акантоз ривожланган. Ялтироқ қавати яхши ривожланган. Донадор қават хужайралари ва донадорлиги кўрув майдонида яққол кўзга ташланади, хужайраларининг сони ортган ва кўп сонли фаол митотик бўлинаётган хужайраларнинг борлиги қайд этилди. Мальпиги қавати базал қавати хужайралари кўпчиликни ташкил этади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида шишиниш камайган. Хужайраларнинг ядроси марказда жойлашган, ядрочаси яққол кўзга ташланади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг сони ортган, хужайраларида фаол митотик бўлиниш жараёни аниқланади. Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари узайган. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, оралиқларида фиброцитларнинг ва семиз хужайраларнинг кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Дерманинг коллаген толалар узун ва оралиқ шишиниш камайганлиги кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари қалинлашган, оралиқ шишиниш камайганлиги кузатилади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари кенгайган ҳолатида, девори бироз қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланади. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, эндотелиоцитлар нотекис жойлашган шишиниш кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари кенг, деворлари юпқалиги аниқланади. Бир кўрув майдонида 6-7 тагача соч фолликулалари, 28 та тер ва ёғ безлари борлиги аниқланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги, тери ости ёғ клеткаси яхши ривожланганлиги аниқланади.

11-15 ёшли беморлар терисининг барча қаватларидаги регенератив морфологик ўзгаришлар, балоғат ёшига боғлиқ бўлиб, ушбу даврда терининг барча қаватларида хужайраларнинг фаол бўлиниш ва тикланиш жараёни ривожланган бўлади.

Туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган беморлар 16-20 ёшга келиб эпидермиснинг мугуз қавати нисбатан юпқалашиш жараёни кузатилади, аксарият жойларида бир-бирдан ўзилишлар содир бўлган. Ялтироқ қаватини яхши ривожланмаган. Донадор қават хужайралари сони камайган, хужайраларининг донадорлиги пасайган. Мальпиги қаватида базал қавати хужайралари камчиликни ташкил этади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида бироз шишиниш

аникланади. Аксарият хужайраларнинг ядроси марказда жойлашган. Кўплаб хужайраларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис жараёни аниқланса, айрим хужайраларнинг ядросида кариолизис аникланади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг хужайраларида пассив митотик бўлиниш ҳолатидаги хужайралар аникланади. Тикансимон қават хужайраларининг сони ва қаторлар сони бироз камайганлиги аникланади.

Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари калталашган бўлиб, кенгайиш ҳолатида. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, дерманинг коллаген толалар калталашган, коллаген толаларида оралик шишиниш кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари бироз юпқа тортган, оралик шишиниш кузатилади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган ҳолатида, девори бироз қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланади. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, эндотелиоцитлар нотекис жойлашган шишиниш кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари кенг, деворлари бироз қалинлашганлиги аникланади. Бир кўрув майдонида 4-5 тагача соч фолликулалари, 12-14 тага яқин тер ва ёғ безлари борлиги аникланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги аникланади.

Ушбу даврда тери тузилмаларидаги хужайраларида регенератив жараёнларнинг бироз пасайиш ҳолати кузатилади.

21-25 ёшга келиб эпидермиснинг мугуз қавати олдинги гуруҳдагига нисбатан юпқалашган. Ялтироқ қавати сустривожланган. Донадор қават хужайралари кўрув майдонида кам сонлилиги кўзга ташланади, метотик бўлинаётган хужайраларнинг битта-иккитани ташкил этади. Мальпиги қаватида призматик хужайралар сони камайганлиги аникланади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида шишиниш мавжуд. Хужайраларнинг ядроси марказда жойлашган, ядрочаси яққол кўзга ташланади. Кўплаб хужайралар ядросида кариопикноз ва кариорексис айримларида эса, кариолизис жараёни кузатилади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг сони камайган, хужайраларида митотик бўлинаётган хужайралар сони камайганлиги аникланади. Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари калталашган. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, ораликларида фиброцитларнинг ва семиз хужайраларнинг камайганлигини кўришимиз

мумкин. Дерманинг коллаген толалар узан ва оралик шишиниш кўпайганлиги кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари қалинлашган, оралик шишиниш кўпайганлиги кузатилади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган ҳолатда, девори қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланади. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, эндотелиоцитлар нотекис жойлашган шишиниш кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари торайган, деворлари қалинлашганлиги аникланади. Бир кўрув майдонида 3-4 тагача соч фолликулалари, 7 та тер ва ёғ безлари борлиги аникланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги, тери ости ёғ клетчаткаси сустривожланганлиги аникланади.

Ушбу ёшда беморлар терисининг барча қаватларидаги регенератив ўзгаришлар сустривожланганлиги. Терининг барча қават хужайраларида атрофик, қон томирлар деворида эса склеротик жараёнлар бошланганлиги аникланади.

Туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган 26-30 ёшли беморлар эпидермиснинг мугуз қавати нисбатан юпқалашиб жараёни кузатилади, аксарият жойларида бир-бирдан ўзилишлар содир бўлган. Акантоз ривожлаган. Ялтироқ қаватини яхши ривожланмаган. Донадор қават хужайралари сони янада камайган, хужайраларининг донадорлиги пасайган. Мальпиги қаватида призматик эпителий сони камчилиқни ташкил этади. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида кучлироқ шишиниш аникланади. Аксарият хужайраларнинг ядроси четга сурилган. Кўплаб хужайраларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис жараёни аниқланса, айрим хужайраларнинг ядросида кариолизис аникланади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг хужайраларида пассив митотик бўлиниш ҳолатидаги хужайралар аникланади. Тикансимон қават хужайраларининг сони ва қаторлар сони анча камайганлиги аникланади.

Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари калталашган бўлиб, кенгайиш ҳолатида. Кўпгина жойларида сўрғич қавати тиканасимон қавати томонидан ўраб олинган. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, дерманинг коллаген толалар калталашган, коллаген толаларида оралик шишиниш кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари юпқа тортган, оралик шишиниш кузатилади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган ҳолатида, девори бироз

калинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланмайди. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, эндотелиоцитлар нотекис жойлашган шишиниш кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари кенг, деворлари бироз қалинлашганлиги аниқланади. Сўрғич қаватнинг Тикансимон қават билан ўраб олиш жараёни ривожланади. Ёғ безларида склеротик жараёнлар аниқланади. Бир кўрув майдонида 1-2 тагача соч фолликулалари, 3-4 тага яқин тер ва ёғ безлари борлиги аниқланади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги аниқланади.

21-26 ёшли беморлар терисининг барча қаватларидаги морфологик ўзгаришлар, тери тузилмаларидаги хужайраларида атрофик ва склеротик жараёнларнинг ривожланиш авж олганлигини кўрсатади.

30 ёшдан катта беморлар эпидермиснинг мугуз қавати нисбатан юпкалашиш жараёни кузатилади, аксарият жойларида бир-биридан ўзилишлар содир бўлган. Ялтироқ қаватини яхши ривожланмаган. Донадор қават хужайралари якка-дукка, хужайраларининг дондорлиги кескин пасайган. Мальпиги қаватида базал қават хужайралари якка-дукка. Тикансимон қават хужайралари перинуклеар соҳаларида кучли шишиниш аниқланади. Аксарият хужайраларнинг ядроси четга сурилган. Кўплаб хужайраларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис ва кариолизис аниқланади. Тикансимон қаватнинг барча қаторларининг хужайраларида якка ҳолатдаги митотик бўлинаётган хужайралар аниқланади. Тикансимон қават хужайраларининг сони ва қаторлар сони камайганлиги аниқланади. Дерма ва эпидермис чегараси аниқ, дерма шишинган, сўрғичлари калталашган бўлиб, кенгайиш ҳолатида. Сўрғич қавати ретикулин толалари қалинлашган, дерманинг коллаген толалар калталашган, коллаген толаларида кучли оралик шишиниш кузатилади. Дерманинг тўрсимон қаватидаги коллаген ва эластик толалари юпка тортган, оралик шишиниш кузатилади. Уларнинг ораликларида бириктирувчи тўқима ўсиб қирганлиги аниқланади. Юзаки микроциркулятор узан қон томирлари бўшлиқлари торайган ҳолатида, девори қалинлашган, эндотелиоцитлар пролиферацияси кўзга ташланмайди. Юзаки узан қон томирларида ўлчамлари кичик, деворида склеротик жараён кузатилади. Чуқур узан қон томирлари бўшлиқлари торайган, деворлари қалинлашганлиги аниқланади. Бир кўрув майдонида 1-2 тагача соч фолликулалари, 3-4 тага яқин тер ва ёғ безлари борлиги аниқланади. Ёғ безларида склеротик

жараёнлар устунлиги кузатилади. Гиподерма қон томирлари тўлақонлилиги аниқланади.

30 ёшдан кейин терининг барча қаватларидаги атрофик ўзгаришлар, терининг дерма қаватида ва қон томирларида склеротик жараёнларнинг авж олиши аниқланади.

Хулоса: Туғма ихтиоз касаллиги мавжуд бўлган 1-5 ёшли болалар терисида тери қаватларининг суст ривожланиб бориши 6-10 ёшгагача давом этади. Теридаги регенератив ҳолатлар балоғат ёшида энг чўққисига етади. Кейинги ёшларда регенератив ҳолатлар сустлаша бориб, 21-25 ёшдагилар терисида атрофик жараён ривожланади. 26-30 ёшда склеротик жараёнлар кўшилади ва 30 ёшдан катталарда склеротик жараёнлар авж олди.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева Н. Н., Вязикова Н. Ф., Шмырина К. В. Особенности эпилепсии у лиц, перенесших острое нарушение мозгового кровообращения // *Dobrokhotov readings*. – 2017. – С. 31.
2. Абдуллаева Н. Н., Ким О. А. Клинические особенности фокально обусловленной симптоматической височной эпилепсии у больных пожилого возраста // *Доброхотовские чтения*. – 2017. – С. 35-37.
3. Абдуллаева Н. Н., Ишмухамедов З. М., Хуснидинов Р. О. Современный взгляд проблему лечения хронических рубцовых стенозов гортани // *Авиценна*. – 2018. – №. 19. – С. 8-11.
4. Кубаев А. С. Оптимизация диагностики и лечения верхней микрогнатии с учетом морфофункциональных изменений средней зоны лица // *Научные исследования*. – 2020. – №. 3 (34). – С. 33-36.
5. Кубаев А. С., Валиева Ф. С. Морфофункциональное состояние полости носа у больных при верхней микрогнатии // *Современные достижения стоматологии*. – 2018. – С. 66-66.
6. Кубаев А. С. Разработка алгоритма диагностики и лечения верхней микрогнатии с учетом морфофункциональных и эстетических изменений средней зоны лица // *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych*. – 2019. – С. 66.
7. Ризаев Ж. А., Хазратов А. И. Канцерогенное влияние 1, 2-диметилгидразина на организм в целом // *Биология*. – 2020. – Т. 1. – С. 116.
8. Ризаев Ж. А., Хакимова С. З., Заболотских Н. В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза // *Uzbek journal of case reports*. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 18-25.
9. Туйчибаева Д. М., Ризаев Ж. А., Малиновская И. И. Динамика первичной и общей заболеваемости глаукомой среди взрослого населения Узбекистана // *Офтальмология*.

Восточная Европа. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 27-38.

10. Туйчибаева Д. М., Ризаев Ж. А. Пути совершенствования системы диспансеризации больных с первичной глаукомой // Междисциплинарный подход по заболеваниям органов головы и шеи. – С. 141.

11. Тулаганов Б. Б., Ризаев Ж. А., Тухтаров Б. Э. Функциональное состояния организма стоматологов-ортопедов в динамике рабочей недели // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 5.

12. Усманбекова Г. К., Ризаев Ж. А., Уразалиева И. Р. Особенности последилового обучения медицинских сестер, работающих в стоматологических учреждениях // Медицинские новости. – 2020. – №. 12 (315). – С. 74-76.

13. Rizaev J. A., Khaidarov N. K., Abdullaev S. Y. Current approach to the diagnosis and treatment of glossalgia (literature review) // World Bulletin of Public Health. – 2021. – Т. 4. – С. 96-98.

14. Rizaev J. A., Kuliev O. A. Risk factors of anemia in children and prognosing of it // Периодический журнал научных трудов 2018. – 2018. – Т. 5. – С. 62.

15. Rizaev J. A., Shodmonov A. A. Optimization of the surgical stage of dental implantation based on

computer modeling // World Bulletin of Public Health. – 2022. – Т. 15. – С. 11-13.

16. Khasanov I. I., Rizaev J. A., Shomurodov K. E. Specific features of dental implantation in patients with maxillar sinusitis // EPRA International Journal of Socio-Economic and Environmental Outlook. – 2020. – Т. 7. – №. 5. – С. 9-17.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СТРУКТУР КОЖИ ПРИ ВРОЖДЕННОМ ИХТИОЗЕ В РАЗНОМ ВОЗРАСТЕ

Абдуллаев С.Д., Жуманов З.Э.

Резюме. С целью выявления возрастных аспектов структурных изменений кожи при врожденном ихтиозе микроскопическому исследованию были подвергнуты биоптаты кожи 162 больных. В коже детей 1-5 лет с врожденным ихтиозом медленное развитие кожных слоев продолжается до 6-10 лет. Регенеративные состояния в коже достигают своего пика во взрослом возрасте. В поздней молодости регенеративные состояния замедляются, в коже 21-25 лет развивается атрофический процесс. В 26-30 лет присоединяются склеротические процессы, а в 30 лет склеротические процессы усиливаются.

Ключевые слова: врожденный ихтиоз, эпидермис, дерма, гиподерма.

РАЗРАБОТКА СПОСОБА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЯ ПЕЧЕНИ С АКТИВНЫМ СМЕШАННЫМ КРОВОТЕЧЕНИЕМ



Бабаджанов Азам Хасанович¹, Садиков Рустам Абролович¹, Хаялиев Рустем Якубович¹,
Абдуллажанов Бахром Рустамжанович², Салиев Гайратбек Закирович²

1 - Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова, Республика Узбекистан, г. Ташкент;

2 - Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан

ЖИГАР ЖАРОХАТИДА АКТИВ АРАЛАШ ҚОН КЕТИШИДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МОДЕЛЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Бабаджанов Азам Хасанович¹, Садиков Рустам Абролович¹, Хаялиев Рустем Якубович¹,
Абдуллажанов Бахром Рустамжанович², Салиев Гайратбек Закирович²

1 - Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

2 - Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.

DEVELOPMENT OF A METHOD FOR EXPERIMENTAL MODELING OF LIVER DAMAGE WITH ACTIVE MIXED BLEEDING

Babajanov Azam Khasanovich¹, Sadiqov Rustam Abrolovich¹, Khayaliev Rustem Yakubovich¹,
Abdullajanov Bakhrom Rustamjanovich², Saliev Gayratbek Zakirovich²

1 - Republican Specialized Scientific-Practical Medical Center of Surgery named after academician V.Vakhidov, Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan

e-mail: azam746@mail.ru

Резюме. Мақолада ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида паренхимал органларнинг шикастланишларида қўлланилаётган экспериментал моделлаштиришнинг турли усуллари ҳақида маълумот берилган. Ушбу усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари батафсил таҳлил қилинади. Хулоса қилиб муаллифлар, жигар шикастланишларида фаол аралаш қон кетишида экспериментал моделлаштириш бўйича ўзларининг тажрибаси билан бушидилар ва янги усулнинг афзаллиги ва қулайлиги ҳақида аргументлар келтиришган.

Калит сўзлар: жигар, қон кетиш, гемостаз, тажриба.

Abstract. The article provides information about various methods of experimental modeling of damage to parenchymal organs used in world practice at the moment. The advantages and disadvantages of these methods are analyzed in detail. In conclusion, the authors shared their development on experimental modeling of liver damage with active mixed bleeding, and argued for the advantage and availability of the new method.

Keywords: liver, bleeding, hemostasis, experime.

Эффективный и быстрый гемостаз критически важен при хирургических операциях и неотложных травмах. Гемостатические материалы, доступные в настоящее время, включают коллаген (Col), желатин (GE), альгинат (AG), хитозан (CS), окисленную целлюлозу, тканевый клей на основе цианоакриловой кислоты и пористый цеолит. Все они обладают эффективной функцией гемостаза, но имеют и недостатки. Таким образом, существует большой интерес к разработке

новых эффективных кровоостанавливающих средств для достижения гемостаза [2, 11, 13, 15, 25]. Mndlovu H. et al. обсуждают новые композиции, происходящие из интерполимерных комплексов хитозана для понимания адаптации физических, химических и механических свойств с помощью производственных подходов для разработки эффективных кандидатов для перевязки ран [20].

В мире сейчас в тренде разработка технологий для создания биоискусственных материалов. Voerman MA с соавторами успешно разработали гемостатическое устройство на основе РОх (поли 2-оксазолин), функционализированного NHS-эфиром, нанесенное на желатиновый пластырь. Они заметили, что полимер должен содержать как NHS-сложные эфиры, так и гидрофильные группы для обеспечения оптимального гемостатического действия. Тесты эффективности *in vivo* на скомпрометированной модели свиньи с использованием гепарина продемонстрировали, что пластыри, покрытые РОх-NHS, демонстрируют аналогичную гемостатическую эффективность по сравнению с Hemopatch. Пластыри РОх-NHS превосходили продукты, основанные на активации каскада естественной коагуляции. В отличие от PEG, структурная универсальность РОх позволяет дополнительно настраивать гемостатические свойства [7]. Проводятся исследования, направленные на изучение эффективного и быстрого гемостаза для увеличения посттравматической выживаемости. Прогресс в разработке гемостатических биоматериалов необходим для биомедицинского применения, так как существующие методы гемостаза имеют ограничения по эффективности и могут вызвать дополнительное повреждение тканей [1, 3, 24].

Все вышеуказанное возможно только после экспериментальных исследований новых имплантов, но в настоящее время нет адекватных моделей, которые могли бы воссоздать повреждение печени у экспериментальных животных с кровотечением аналогичным у человека. Разработка нового метода позволила добиться активного смешанного кровотечения, которое рецидивирует и приводит к летальному исходу без лечебных мероприятий. Подобная ситуация имеет место при повреждениях печени у человека. Таким образом новая модель позволяет оценить эффективность различных методов гемостаза при повреждении печени, которое может быть использовано в клинической практике.

Без экспериментальной хирургии невозможен прогресс в клинической хирургии, поэтому, на протяжении всей истории они тесно связаны, разработка новых оперативных вмешательств и приемов вначале проводится на животных для изучения в эксперименте патофизиологической сущности операции. Экспериментальная хирургия – область хирургии, которая занимается разработкой и внедрением в хирургическую практику новых методик и способов лечения, а также совершенствованием уже имеющихся и неразрывно связанная с экспериментальным моделированием различных патологических состояний как у живых организмов, так и *in vitro* (работа с трупным материалом).

Известен способ формирования модели повреждения паренхиматозного органа путем нанесения поверхностной раны с использованием абразивного инструмента, тем самым моделируется капиллярное кровотечение. В нашей же разработке предлагается способ моделирования повреждения печени у крыс со смешанным кровотечением путем нанесения раны специальным диском диаметром 1 см с абразивным покрытием размером частичек абразива до 300 мкм, укрепленного на металлическом штоке диаметром 5мм и со скоростью вращения 10 оборотов в минуту с усилием 1Кпа. Далее диаметрально окружности повреждения органа иссекают ткань печени в виде клина на глубину до 2мм. При этом края раны расходятся на расстояние до 1мм. Таким образом формируется стандартное повреждение печени, где имеет место поверхностная рана со смешанным кровотечением, а также зияющая рана со смешанным кровотечением, которое не имеет тенденции к самостоятельной остановке.

Қуёнлар туғилгандан кейин 14-суткада чувалчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчалар сони микроскопнинг кўриш майдонида 10-11 тагача ортади. Уларнинг улчами ҳам 1 суткага нисбатан 10 баробар катталашади. Агар 1-3 ва 7-10 суткаларда чувалчангсимон ўсимта шиллик қаватида лимфоцитлар тарқоқ ҳолатда жойлашган бўлса, 14-суткага келганда эса, лимфоид тугунчалар жойлашган қисми чувалчангсимон ўсимтанинг шиллик қавати шаклланаётган крипталар томон гумбазсимон шаклда бўртиб чиқа бошлайди. Бундай лимфоид тугунчаларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли уларнинг функционал зоналари ва чегаралари аниқ кўринмайди, яъни сезиларсиз бир – бирига қўшилиб кетади.

Жадвал 1. Қуёнлар чувалчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчалари морфометрик кўрсаткичлари жадвали

Ёши (суткада)	Лимфоид тугунчалар сони ($\text{см } 10^{-1}$)	Лимфоид тугунчалар ўлчами ($\text{см } 10^{-1}$)	Лимфоид тугунчалардаги фоллекулалар сони
1 сутка	$2,4 \pm 0,4$	$1,0 \pm 0,7$	йўқ
7 сутка	$7,2 \pm 1,5$	$2,4 \pm 0,6$	йўқ
14 сутка	$11,0 \pm 1,7$	$4,5 \pm 0,8$	$5,5 \pm 1,7$
21 сутка	$25,6 \pm 1,5$	$4,8 \pm 0,7$	$10,0 \pm 1,8$
30 сутка	$30,0 \pm 2,0$	$6,5 \pm 1,2$	$12,5 \pm 1,4$



Расм 1. Қуёнлар чувалчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчалари морфометрик кўрсаткичлари гистограммаси

Бу муддатда лимфоид тугунчаларда плазмоцитлар ва макрофаглар сони ўзгармай қолади. Митоз бўлинаётган бласт хужайралар сони эса 2,5 марта кўпаяди.

Куёнлар туғилгандан сўнг 30 суткада етук ёш ҳисобланади. Бу ёшдаги куёнлар чувалчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчаларнинг умумий сони 25-30 тадан ортади ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашади. Лимфоид тугунчаларнинг ўлчами ўртача $6,5 \pm 1,2$ см, ҳар бир тугунчада лимфоид фоллекулалар сони $12,5 \pm 1,4$ гача боради (жадвал 1, расм 1).

Лимфоид тугунчалар чувалангсимон ўсимта шиллиқ қават крипталари остига гумбазсимон бўртиб кириб боради. Крипталарни эса ички юзасини бир қаватли цилиндрсимон эпителий хужайралари коплаб туради ва унинг таркибида қадахсимон хужайралар ҳам учрайди. Бу хужайралар лимфоид тугунчаларнинг гумбаз қисмидан базал мембрана орқали ажралиб туради. Лимфоид тугунчалардаги лимфоид фоллекулалар бир-бирларидан функционал зоналар (герминатив марказ, фоллекулалар, фалликула атрофи ва гумбаз) орқали ажралиб туради. Функционал зоналар эса бир-бирларидан ретикуляр хужайралар ёрдамида ажралиб туради.

Герминатив марказда бласт хужайралар кўп ва улар зич жойлашган. Герминатив марказни ўраб турувчи фоллекуляр зонада эса асосан кичик лимфоцитлар жойлашган. Бу зонада митоз бўлинаётган бласт хужайралар ҳам жойлашган. Фоллекула атрофи (парафоллекуляр) зонасида эса кичик ва ўртача лимфоцитлар кўп учрайди ва улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган. Лимфоид фоллекулалар гумбаз зонасида эса йирик бласт хужайралар учрайди ва асосан кичик ва ўртача ўлчамдаги лимфоцитлар жойлашган. Бундан ташқари у ерда макрофаглар, плазмоцитлар, тўқима базофиллари ва эозинофиллар ҳам учрайди.

Хулоса. Куёнлар чувалчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчалари бошланғич ўзаги эмбрионал таракқиётнинг 19 суткасида пайдо бўлади ва унинг шаклланиши асосан куёнлар туғилгандан кейин давом этади. Лимфоид тугунчаларнинг фоллекулалари ва уларнинг функционал зоналарнинг шаклланиши эса, антигенга боғлиқ равишда, балоғат ёшига етганда кузатилади.

Адабиётлар:

1. Афанасьев Ю.И., Ноздиров В.И. и Субботин С.М. Лимфатические узелки аппендикса. Архив анатомии, гистологии и эмбриологии. Ленинград 1983. Т-85 №8 С. 73-82.
2. Беляков И.М. Иммунная система слизистых. Иммунология. 1997; 4; 7-13.
3. Джуракулов Б.И., Исмоилова Н.А., Бойкузиев Х.Х., Курбонов Х.Р. Ингичка ичак ва чувалчангсимон ўсимта нейроиммуноэндокрин тизимлари ўртасида ўзаро алоқалар шарҳи // ТИВВИЙОТДА ЯАНГИ КУН. 5 (37) 2021. 46-47 бетлар.
4. Юлдашев А.Ю., Юсупов У.Ю. Влияние эндоэкологии (микрофлора) кишечника на структурно-функциональные особенности ее иммунной системы. Педиатрия. 1998; 1-2: 119-122.
5. Юлдашев А.Д. и др. Кинетика лимфоцитов лимфоидного узелка подвздошной кишки крыс. Рос. Морфол. ведомости. 2001; 1-2: 121-122.
6. Хаитов Р.М., Пинегин Б.В. Иммунная система желудочно-кишечного тракта: особенности строения и функционирование в норме и патологии. Иммунология. 1997; 6: 4-7.
7. Ризаев Ж. А., Назарова Н. Ш. Состояние местного иммунитета полости рта при хроническом генерализованном парадонтите // Вестник науки и образования. – 2020. – №. 14-4 (92). – С. 35-40.

ВОЗРАСТНАЯ МОРФОЛОГИЯ ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ ЧЕРВЕОБРАЗНОГО ОТРОСТКА У КРОЛИКОВ В ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ

Исмоилова Н.А., Бойкузиев Х.Х.

Резюме. В статье описаны закономерности развития и возрастные особенности формирования лимфоидных узелков аппендикулярного отростка у кроликов в постнатальном онтогенезе. Эксперимент проводился у кроликов в возрасте от 1 до 30 суток (1, 3, 7, 14, 21, 30 суток). Результаты исследований показали, что закладка лимфоидных узелков аппендикулярного отростка у кроликов происходит на 19 день эмбрионального развития. Его становление в основном происходит после рождения кроликов и окончательное формирование лимфоидных узелков аппендикулярного отростка у кроликов происходит в зависимости от антигена, в половозрелом возрасте.

Ключевые слова: Червеобразный отросток, лимфоидные узелки, постнатальный онтогенез, возрастные изменения.

ЎТКИР НУРЛАНИШНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИ ЙЎҒОН ИЧАК МЕЪЁРИЙ МИКРОФЛОРАСИГА ТАЪСИРИНИ ДИНАМИКАДА ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ



Нуралиев Неккадам Абдуллаевич, Жабборова Ойша Искандаровна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ИЗУЧЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ОСТРОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА НОРМАЛЬНУЮ МИКРОФЛОРУ ТОЛСТОГО КИШЕЧНИКА ЛАБОРАТОРНЫХ ЖИВОТНЫХ В ДИНАМИКЕ

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич, Жабборова Ойша Искандаровна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE STUDY OF THE INFLUENCE OF ACUTE EXPOSURE ON THE NORMAL MICROFLORA OF THE LARGE INTESTINE IN LABORATORY ANIMALS IN DYNAMICS

Nuraliyev Nekkadam Abdullayevich, Jabborova Oysha Iskandarovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: mamlakatm@mail.ru

Резюме. Тадқиқот мақсади ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари униси даражасини тажрибада ўрганиш ва баҳолаш бўлди. Аниқланишича, ўткир нурланиш таъсирида йўғон ичак микрофлораси вакиллари униси фоизлари нурланишдан кейинги муддат ўтиши билан камайиб борди, энг кўп миқдорий камайиш *Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*, *Enterococcus spp.* да (индиген микрофлора) кузатилди. Ўткир нурланишдан кейинги 7-кунда ишонarli пасайиш 28,6% ҳолатда (*Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*) кузатилган бўлса, 9-кунда бу кўрсаткич 71,4% ни ташкил этди. *Staphylococcus spp.* ва *Bacteroides spp.* униси фоизлари кузатув даври мобайнида ишонarli камаймади. Ўткир нурланишнинг йўғон ичак меъёрий микрофлорасига турли интензивликда салбий таъсир қилиши исботланди.

Калит сўзлар: нурланиш, ошқозон-ичак тракти, грамм-манфий тракти, маҳаллий микроорганизмлар, йўғон ичак микрофлораси, динамика, геморрагик синдром.

Abstract. The purpose of the study was to study and evaluate the germination rate of the normal microflora of the colon of laboratory animals under the influence of acute radiation. It was found that the percentage of germination of the representatives of the colon microflora under the influence of acute radiation decreased with the passage of time after irradiation, the most quantitative decrease was *Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*, (indigenous microflora) was observed in *Enterococcus spp.* On the 7th day after acute radiation, a convincing reduction was observed in 28.6% of cases (*Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*), and on the 9th day, this figure was 71.4%. *Staphylococcus spp.* and *Bacteroides spp.* The percentages of hatching did not decrease reliably during the observation period. It has been proven that acute radiation has a negative effect on the normal microflora of the large intestine at different intensities.

Keywords: irradiation, gastrointestinal tract, gram-positive bacteria, indigenous microorganisms, colon microflora, dynamics, hemorrhagic syndrome.

Долзарблиги. Маълумки, ўткир нурланиш ионланувчи нурланишнинг рухсат берилган 1 Грей - Гр (100 рад) дозадан ортик радиациянинг бир неча секунддан 3 суткагача бир марталик узок бўлмаган таъсири натижасида келиб чиқадиган патологик ҳолатдир. Дозаларнинг суммар даражаси, қуввати ва танага тарқалишига боғлиқ ҳолда ўткир нурланиш қон яратиш тизими аъзолари (1-10 Гр), ошқозон-ичак тракти (10-20 Гр), умумий гемодинамик ва токсемик кўринишлар (20-100 Гр), мияга боғлиқ бузилишлар (100 Гр) устунлиги билан намоён бўлади [3].

Ионланувчи нурланиш таъсирида организмда пайдо бўлган турли радиоактив субстанциялар организмга тери, ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари орқали тушади, кейин ички нурланиш манбаи бўлиб қолиб, қон ва лимфа оқими орқали организмнинг бошқа аъзо ва тўқималарига тарқалади. Радиоактив элементлар элиминацияси ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари ва буйрақлар орқали амалга ошади [3, 8].

Аниқланишича, суяк кўмиги ҳужайралари нурланишга энг берилувчан бўлиб, унда суяк кўмиги аплазияси, қон яратиш аъзоларида меъёрий митотик жараёнлар сўниб бориши, суяк

кўмиги паст дифференцияланган хужайраларининг тотал ҳалок бўлиши кузатилади. Қон яратилишининг кескин камайиши геморрагик синдром вужудга келиши билан кечади [3].

Ўткир нурланишнинг сезгир тўқима ва аъзоларга (қон яратиш аъзолари ўзак хужайралари, мойқлар, ингичка ичак, тери эпителийси) махсус емирувчи таъсири, нейрэндокрин ҳамда асаб тизимларига махсус бўлмаган таъсири етакчи аҳамият касб этади. Гипофиз, буйрак усти бези ва қалқонсимон без фаолиятининг бузилишлари ҳам аҳамиятли [3, 8].

Ўткир нурланиш вужудга келадиган иккиламчи иммунодефицит таъсирида кўплаб аъзо, тўқима ва хужайралар зарарланиши тўғрисида маълумотлар етарли бўлса ҳам, аммо организм турли биотопларида жойлашган нормал микрофлорага, айниқса йўғон ичак нормал микрофлораси (микробиоценози) сифатий ва миқдорий кўрсаткичларига таъсири тўғрисида маълумотлар [2, 9, 10] кам бўлиб, борлари ҳам тарқокдир.

Тадқиқот мақсади ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари униш даражасини тажрибада ўрганиш ва баҳолашдан иборат бўлди.

Материал ва усуллар. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун экспериментал тадқиқотларга жами 108 та оқ зотсиз сичқонларнинг эркаклари жалб қилинди, уларнинг вазни 25 гр дан кам бўлмай, ёши 3 ойни ташкил этди. Урғочи оқ зотсиз сичқонлар балоғат ёшига етиш, ҳомиладорлик билан боғлиқ ўзгаришлар организмда кечиши муносабати билан олинган натижалар тажрибанинг софлигига таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олиб тадқиқот гуруҳларига киритилмади.

Барча лаборатория ҳайвонлари 2 та гуруҳга бўлинди:

Аасосий гуруҳ - бир марталик 5 Гр дозада ўткир нурланиш олган оқ зотсиз сичқонлар, $n=54$;

Назорат гуруҳи - ўткир нурланиш олмаган оқ зотсиз сичқонлар $n=54$.

Лаборатория ҳайвонларини парваришлаш, боқиш, гуруҳларга ажратиш анъанавий усуллар ёрдамида амалга оширилди [6]. Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойиллари ва биологик хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинди [1, 5, 6]. Тажрибагача барча лаборатория ҳайвонлари 10 кун давомида карантинда тутилди.

Лаборатория ҳайвонларини ўткир нурлантириш АГАТ-Р1 (Эстония, 1991) γ -терапевтик аппарати ёрдамида амалга оширилди, бунда нурланиш манбаси Со-60 бўлди. Лаборатория ҳайвонларини ўткир нурлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар Республика

ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Бухоро филиалида олиб борилди.

Асосий ва назорат гуруҳига мансуб оқ зотсиз сичқонлар 5-кунгача умумий виварий рациониди тутилди, кейин ўткир нурланиш ўтказилгач, тажрибанинг 5-, 7- ва 9-кунларида жонсизлантирилиб, йўғон ичагидан нажаси биологик ашё сифатида бевосита олиниб, дарҳол тегишли озиқ муҳитларга (қонли агар, Эндо муҳити, тухум сарикли-тузли агар, Блаурокк муҳити, СРМ-4 ва бошқалар) Гольд бўйича экилди.

Бактериологик тадқиқотлар биологик ашёдан унган микроорганизмларга нисбатан ўтказилди. Идентификация Bergy's ва Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича олиб борилди, бунинг учун "HiMedia" фирмаси (Ҳиндистон) озиқ муҳитларидан фойдаланилди. Ушбу тадқиқотда асосий вазифа йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив микроорганизмлари униш фоизини аниқлаш бўлгани учун ушбу микрофлоранинг асосий вакиллари авлодигача идентификация қилинди (туригача дифференциация қилишга ҳожат йўқ эди). Қуйидаги микроорганизмлар ундириб олинди - *Escherichia* spp., *Proteus* spp., *Staphylococcus* spp., *Enterococcus* spp., *Bacteroides* spp., *Lactobacillus* spp., *Bifidobacterium* spp. [7].

Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Унда ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m) ва ишончлилик мезони (t) аниқланди. Барча текширишлар "Pentium-IV" процессорли персонал компьютерларда "Excel" дастури ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Олинган натижаларни қиёсий ўрганиш мақсадида аввал назорат гуруҳи кўрсаткичлари таҳлил қилинди, назорат гуруҳ асосий гуруҳидан ўткир нурланиш ўтказилмаганлиги билан фарқ қилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак микрофлораси вакиллари озиқ муҳитларда униш кўрсаткичлари асосий гуруҳ билан бир кунда ўрганилди.

Ўткир нурланишдан кейинги кузатувнинг 5-кунда ўрганилган 7 та микроорганизмлар амалий жиҳатдан барча олинган намуналарда ундириб олинди (жадвал 1). Микроорганизмлар аниқланиш фоизи (МАФ) ўзгармай қолгани эътиборлидир. Шунга ўхшаш натижалар кузатувнинг 7- ва 9-кунларида ҳам олинди.

Жадвал 1. Назорат гуруҳи тажриба ҳайвонлари йўғон ичаги меъёрий микрофлораси вакиллари униш фоизлари динамикаси

Микроорганизмлар	Кузатув даври давомийлиги		
	5-кун, n=18	7-кун, n=18	9-кун, n=18
<i>Escherichia spp</i>	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔
<i>Proteus spp</i>	16 / 88,89±7,4	15 / 83,33±8,8	16 / 88,89±7,4 ↔
<i>Staphylococcus spp</i>	18 / 100,0	18 / 100,0	17 / 94,44±5,4 ↔
<i>Enterococcus spp</i>	17 / 94,44±5,4	18 / 100,0	17 / 94,44±5,4 ↔
<i>Bacteroides spp</i>	18 / 100	17 / 94,44±5,4	17 / 94,44±5,4 ↔
<i>Lactobacillus spp</i>	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔
<i>Bifidobacterium spp</i>	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔

Изох: суратда мутлок, махражда нисбий (%) сонлар; ↔ - ишонарли фарқ йўқ.

Барча натижалар амалий жиҳатдан бир хил бўлиб, кузатув даври мобайнида ишонарли ўзгаришлар униш тенденцияси бўйича ҳам, улар интенсивлиги бўйича ҳам кузатилмади.

Униш кўрсаткичлари бўйича ишонарли тафовут йўғон ичак индиген ва факультатив микрофлораси вакиллари орасида ҳам кузатилмади ($P>0,05$).

Шундай қилиб, назорат гуруҳига киритилган, ўткир нурланиш олмаган интакт лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакиллари униш фоизлари кузатув даври ошиб боришига қарамай, миқдорий ва сифатий жиҳатдан ўзгармасдан қолди. Амалий жиҳатдан барча намуналарда микроорганизмлар штаммлари униши аниқланди. Бу йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакиллари миқдорий ҳамда сифатий жиҳатдан ўзгармагани, зарарланмаган маҳаллий ва умумий иммун тизим ўз фаолиятини меъёрда давом эттириб, меъёрий микрофлорани регуляция қилиш натижасида, деб эътироф этилди.

Назорат гуруҳига киритилган оқ зотсиз сичқонлар йўғон ичак меъёрий микрофлорасидан фарқли равишда ўткир нурланиш олган, асосий гуруҳга киритилган сичқонлар йўғон ичак микрофлораси индиген ҳамда факультатив вакилларида кескин ишонарли ўзгаришлар кузатилди ($P<0,05$ - $P<0,001$).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бир марталик ўткир нурланиш олгач, 5-кунда МАФ

асосий гуруҳда $38,89\pm 11,5\%$ дан $77,78\pm 9,8\%$ гачани ташкил этди. МАФ нинг энг кам кўрсаткичлари *Bifidobacterium spp.* ($38,89\pm 11,5\%$), *Enterococcus spp.* ($38,89\pm 11,5\%$) ва *Lactobacillus spp.* га ($44,44\pm 11,7\%$) таалуқли бўлди (жадвал 2).


Нурланишдан кейинги 7-кунда барча микроорганизмларнинг униш фоизлари камайиш тенденцияси сақланиб қолди ($P<0,05$ - $P<0,001$). Шуниси эътиборлики, пасайиш тенденцияси бир хил бўлса ҳам унинг интенсивлиги турлича бўлди. Нурланишнинг 5-кунига нисбатан энг кўп камайиш *Bifidobacterium spp.* (3,1 мартага), *Lactobacillus spp.* (2,4 мартага), *Enterococcus spp.* да (2,1 мартага) кузатилди. Бошқа микроорганизмларда камайиш кам миқдорни ташкил этди, *Bacteroides spp.* да (анаэроб) бўлса камайиш амалий жиҳатдан кузатилмади.

Нурлангандан кейинги 9-кунда микроорганизмларнинг униш фоизлари янада камайиб борди, аммо уларнинг интенсивлиги 7-кунга нисбатан паст бўлди, микроорганизмлар авлоди бўйича таҳлил олдинги кузатув кунлари каби бўлди. Йўғон ичак индиген микрофлораси вакиллари (*Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*, *Enterococcus spp.*) ўткир нурланиш таъсирида ишонарли даражада камайган бўлса ($P<0,001$), грамманфий бактериялар (*Escherichia spp.*, *Proteus spp.*) коагулазамусбат стафилококклар (*Staphylococcus spp.*) ва анаэробларга (*Bacteroides spp.*) ишонарли равишда таъсир этмаганига гувоҳ бўлдик ($P>0,05$).

Жадвал 2. Асосий гуруҳ тажриба ҳайвонлари йўғон ичаги микрофлораси микроорганизмлари аниқланиш фоизига ўткир нурланишнинг таъсири параметрлари

Микроорганизмлар	Нурланишдан кейинги кунлар		
	5-кун, n=18	7-кун, n=16	9-кун, n=12
<i>Escherichia spp</i>	11 / 61,11±11,5	7 / 43,75±12,4 ↔	3 / 25,0±12,5* ↓
<i>Proteus spp</i>	14 / 77,78±9,8	11 / 68,75±11,6 ↔	5 / 41,67±14,2* ↓
<i>Staphylococcus spp</i>	12 / 66,67±11,1	10 / 62,50±12,1 ↔	7 / 58,33±14,2 ↔
<i>Enterococcus spp</i>	7 / 38,89±11,5	3 / 18,75±9,8 ↔	2 / 16,67±10,8* ↓
<i>Bacteroides spp</i>	10 / 55,56±11,7	9 / 56,25±12,4 ↔	5 / 41,67±14,2 ↔
<i>Lactobacillus spp</i>	8 / 44,44±11,7	3 / 18,75±9,8* ↓	1 / 8,33±7,9* ↓
<i>Bifidobacterium spp</i>	7 / 38,89±11,5	2 / 12,50±8,3* ↓	1 / 8,33±7,9* ↓

Изох: суратда мутлок, махражда нисбий (%) сонлар; * - 5-кун параметрларига нисбатан ишонарли ўзгариш ($P<0,05$ - $P<0,001$); ↓ - кўрсаткичлар ишонарли пасайган; ↔ - ишонарли тафовут йўқ.



Расм 1. Ўткир нурланишдан кейинги 5-кунда лаборатория хайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари унишининг қиёсий динамикаси, %

Шундай қилиб, ўткир нурланиш таъсирида йўғон ичак микрофлораси вакиллари унинг физиологияси камайиб борди, энг кўп камайиш индиген микрофлора вакиллари - *Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*, *Enterococcus spp.* ларда кузатилди, уларда пасайиш нурлангандан кейин 5-кунга нисбатан 7-кунда 2,1 - 3,1 мартага камайган бўлса, 9-кунда камайиш 2,3 - 5,3 мартани ташкил этди ($P < 0,05$). 7-кунда ишонарли пасайиш фақат 2 та (28,6%) микроорганизмда (*Bifidobacterium spp.*, *Lactobacillus spp.*) кузатилган бўлса, 9-кунда бу кўрсаткич 5 та (71,4%) микроорганизмни ташкил этди. *Staphylococcus spp.* ва *Bacteroides spp.* кузатув даври мобайнида ишонарли равишда камаймади. Ўткир нурланишнинг таъсирида йўғон ичак микроорганизмлари унинг физиологиясига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг барчасида аниқланиш кўрсаткичларининг камайиши кузатилгани, улар камайиш интенсивлиги турлича бўлгани исботлаб берилди. Асосан индиген микроорганизмларга ўткир нурланишнинг таъсири кучли бўлиб, улар ишонарли пасайгани ҳолда, факультатив микроорганизмларда, айниқса стафилококклар (*Staphylococcus spp.*) ва анаэробларда (*Bacteroides spp.*) камайиш кузатув даври мобайнида ишонарли бўлмагани исботланди.


Фикримизча, олинган натижалар ўткир нурланишнинг лаборатория хайвонлари йўғон ичак микрофлорасига бевосита таъсири билан бир қаторда, йўғон ичак морфологик структураси ва фаолиятига, шунингдек, умумий ҳамда маҳаллий иммунитетга салбий таъсири билан изоҳланади. Бу, биринчидан йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген микроорганизмлари

вакиллари микдорий кўрсаткичларининг кескин, ишонарли даражада камайиши; иккинчидан факультатив (транзитор) микрофлора вакиллари микдорий параметрларининг нисбатан кам ўзгариши; учинчидан, патоген микроорганизмларнинг динамикада ишонарли микдорий ўзгаришларга учрамаганлиги билан изоҳланди.


Илмий ишнинг кейинги босқичида ҳар иккала гуруҳда (асосий, назорат) кузатув даврига боғлиқ ҳолда микроорганизмлар унинг кўрсаткичлари солиштирма таҳлил қилинди. Ўткир нурланишдан кейинги 5-кунда олинган қиёсий параметрлар таҳлили, нурланишнинг йўғон ичак микрофлорасига салбий таъсирини кўрсатди (1-расм).

Келтирилган 1-расмдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳидан кескин ва ишонарли равишда фарқ қилди ($P < 0,001$). Бу ҳолат грамманфий бактериялар (*Escherichia spp.*, *Proteus spp.*), граммусбат кокклар (*Staphylococcus spp.*, *Enterococcus spp.*), анаэроблар (*Bacteroides spp.*) ва индиген микроорганизмлар (*Lactobacillus spp.*, *Bifidobacterium spp.*) унинг физиологияси таҳлил қилинганда яққол кўринди.

Кузатувнинг 7-кунида асосий гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли фарқ қилишда давом этди (2-расм). Бу эса кўрсаткичлар орасидаги фарқ чуқурлашиб борганини кўрсатди. Бу фарқ индиген микроорганизмлар учун ишонарли бўлса ($P < 0,05$), транзитор микрофлора учун ишонарли тафовут аниқланмади ($P > 0,05$).



Расм 2. Ўткир нурланишдан кейинги 7-кунда лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари унишининг қиёсий динамикаси, %



Расм 3. Ўткир нурланишдан кейинги 9-кунда лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари унишининг қиёсий динамикаси, %

Асосий фарқ *Escherichia spp*, *Enterococcus spp*, *Lactobacillus spp*, *Bifidobacterium spp* бўйича кузатилди ($P < 0,001$).

Кузатув даврининг 9-кунда МАФ ўзгаришлар тенденцияси олдинги кун кўрсаткичларига яқин бўлгани ҳолда (3-расм), ўрганган микроорганизмлар авлодларига ўткир нурланиш таъсир интенсивлиги кучайиб, шу кун бўйича олинган натижалар орасида ишонарли даражадаги фарқ ошди ($P < 0,001$).

Олинган натижалар асосида тажрибанинг 9-кунда асосий ва назорат гуруҳлари орасида фарқлар кучайиб, МАФ орасида тафовутлар турлиликча қолди. Ўткир нурланишнинг

бевосита ва билвосита салбий таъсири индиген микроорганизмларга кескин, ишонарли ҳолатда кузатилиб ($P < 0,001$), нисбатан заиф таъсири факультатив (транзитор) микроорганизмлар миқдорий кўрсаткичларига нисбатан кузатилди ($P > 0,05$).

Шундай қилиб, ўткир нурланишнинг лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси аниқланиш фоизларига салбий таъсири тенденцияси муддат ўтиши билан ошиб борди, аммо таъсир интенсивлиги турли микроорганизмлар авлодларига ҳар хил эканлиги исботланди. Индиген микроорганизмлар униш фоизларига салбий таъсир қанчалик кучли бўлса,

факультатив микроорганизмлар, айниқса *Staphylococcus* spp. ва *Bacteroides* spp. ларга шунчалик паст бўлди.

Хулосалар:

1. Ўткир нурланиш таъсирида лаборатория хайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакилларининг униш фоизлари нурланишдан кейинги муддат ўтиши билан камайиб борди, энг сезиларли камайиш индиген микрофлора вакиллари - *Bifidobacterium* spp., *Lactobacillus* spp., *Enterococcus* spp ларда кузатилди, уларда пасайиш нурлангандан кейин 5-кунга нисбатан 7-кунда 2,1 - 3,1 мартани, 9-кунда камайиш 2,3 - 5,3 мартани ташкил этди.

2. Ўткир нурланишдан кейинги 7-кунда ишонарли пасайиш фақат 2 та (28,6%) микроорганизмда (*Bifidobacterium* spp., *Lactobacillus* spp.) кузатилган бўлса, 9-кунда бу кўрсаткич 5 та (71,4%) микроорганизмни ташкил этди. *Staphylococcus* spp. ва *Bacteroides* spp. униш фоизлари кузатув даври мобайнида ишонарли равишда камаймади.

3. Ўткир нурланиш таъсирида лаборатория хайвонлари йўғон ичак микробиоценози вакилларининг униш фоизлари динамикада камайиш тенденциясига эга бўлди, аммо улар униш фоизлари пасайиш интенсивлиги турлича бўлди. Асосан индиген микроорганизмлар униш фоизларига таъсир кучли бўлиб, улар ишонарли пасайгани ҳолда, факультатив микрофлорада, айниқса *Staphylococcus* spp. ва *Bacteroides* spp. кузатув даври мобайнида бу камайиш ишонарли даражада бўлмагани исботланди.

4. Нурланмаган интакт лаборатория хайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакилларининг униш фоизлари кузатув даври ошиб боришига қарамай, микдорий жиҳатдан ўзгармасдан қолди, амалий жиҳатдан барча намуналарда штаммлар униши кузатилди. Асосий гуруҳдан фарқли равишда униш фоизлари пасайиши, интенсивлиги ошиши аниқланмади.

Адабиётлар:

1. Жармухамедова Т.Ю., Семушина С.Г., Пахомова И.А., Пименов М.С., Мурашов А.Н. Международные правила работы с лабораторными животными при проведении доклинических испытаний // Токсикологический вестник. - Москва, 2011. - №4(109). - С.2-9.
2. Кузнецова А.И. Микробные фармацевты внутри нас // Наука и жизнь. - Москва, 2020. - № 2. - С.44-49.
3. Михеев А.Н. Малые дозы радиобиологии. Моя маленькая радиологическая вера. - Киев, Фотосоциоцентр, 2016. - 371 с.
4. Мухамедов И.М., Хўжаева Ш.А., Ризаев Ж.А., Алматов Б.И., Нуралиев Н.А. Клиник микробиология. Шифокор мутахассислар учун

қўлланма. - Тошкент, "Янги аср авлоди", 2016. - 628 б.

5. Нуралиев Н.А., Сувонов Қ.Ж. Йўғон ичак микрофлораси вакилларининг организм ички муҳитига ўтишининг микробиологик хусусиятлари // Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени. - Тошкент, 2015. - №2. - 26-28 б.
6. Нуралиев Н.А., Бектимиров А.М.-Т., Алимова М.Т., Сувонов Қ.Ж. Правила и методы работы с лабораторными животными при экспериментальных микробиологических и иммунологических исследованиях // Методическое пособие. - Ташкент, 2016. - 34 с.
7. Сасова В.А., Залеских Н.В. Идентификация энтеробактерий и стафилококков // Информационные материалы. Научно-производственное объединение «Диагностические системы». - Нижний Новгород, 2014. - 30 с.
8. Сувонов Қ.Ж., Нуралиев Н.А. Микроорганизмларнинг ошқозон-ичак трактидан транслокация бўлиш даражасига тотал иккиламчи иммунодефицит ҳолатининг таъсири // Журнал теоретической и клинической медицины. - Ташкент, 2017. - №1. - С.27-31.
9. Ferrando M.L., Schultsz C. A hypothetical model of host-pathogen interaction of *Streptococcus suis* in the gastro-intestinal tract // Gut Microbes. - 2016. - N 7(2). - P.154-162.
10. Sender Ron, Fuchs Shai, Milo Ron. Revised Estimates for the Number of Human and Bacteria Cells in the Body // PLOS Biology. - 2016. - T. 14. - Vol. 8. - P.25-33.

АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ИЗУЧЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ОСТРОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА НОРМАЛЬНУЮ МИКРОФЛОРУ ТОЛСТОГО КИШЕЧНИКА ЛАБОРАТОРНЫХ ЖИВОТНЫХ В ДИНАМИКЕ

Нуралиев Н.А., Жабборова О.И.

Резюме. Целью исследования было изучение и оценка всхожести нормальной микрофлоры толстой кишки лабораторных животных при воздействии острого облучения. Установлено, что процент всхожести представителей микрофлоры толстой кишки под влиянием острого радиация снижалась с течением времени после облучения, наиболее количественное снижение было у *Bifidobacterium* spp., *Lactobacillus* spp., (индигенная микрофлора) наблюдалось у *Enterococcus* spp. На 7-й день после острого облучения достоверное снижение наблюдалось в 28,6% случаев (*Bifidobacterium* spp., *Lactobacillus* spp.), а на 9-й день этот показатель составил 71,4%. Стафилококк spp. и *Bacteroides* spp. Процент вылупления достоверно не уменьшился за период наблюдения. Доказано, что острое облучение оказывает негативное влияние на нормальную микрофлору толстого кишечника с разной интенсивностью.

Ключевые слова: облучение, желудочно-кишечный тракт, грамотрицательные бактерии, индигенные микроорганизмы, микрофлора толстой кишки, динамика, геморрагический синдром.

S100 ОКСИЛИНИНГ ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР БИЛАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАЪСИР ҚИЛИНГАН ХАЙВОНЛАР БОШ МИЯ ПЎСТЛОҒИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШДАГИ ЎРНИ



Орипов Фирдавс Суръатович, Эшқобилова Сурайё Тураевна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

РОЛЬ БЕЛКА S100 ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ КОРЫ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ВОЗДЕЙСТВИИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ НА ОРГАНИЗМ ЖИВОТНЫХ

Орипов Фирдавс Суръатович, Эшқобилова Сурайё Тураевна
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

THE ROLE OF THE S100 PROTEIN IN DETERMINING THE MORPHOFUNCTIONAL STATE OF THE BRAIN CORTEX UNDER THE EXPERIMENTAL EXPOSURE OF ENERGY DRINKS ON THE ANIMALS ORGANISM

Oripov Firdavs Suratovich, Eshkabilova Surayyo Turaevna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: surik2974@gmail.com

Резюме. Сўнги йилларда энергетик ичимликлар истеъмоли айниқса, ёшлар орасида тобора оммалашиб бормоқда. 2018 йил ҳолатига кўра, дунёда энергетик ичимликларнинг 500 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улар таркиби сезиларли даражада фарқланади. Шу билан бирга, энергетик ичимликларнинг ҳар қандай брендларидан қатъи назар, барча энергетик ичимликларнинг умумий хусусияти улардаги фаолликни оширувчи таъсирга эга бўлган моддалар ва бирикмаларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Каламушларда олиб борган тадқиқотларимиз шунини кўрсатдики, энергетик ичимликларни сурункали истеъмол қилиниши оқибатида, асаб тизимининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва бунда S100 оқсили даражасининг ошиши кузатилади. Бу эса кейинчалик онкологик ва сурункали неврологик касалликлар ривожланиши мумкинлигидан дарак беради.

Калит сўзлар: энергетик ичимликлар, S100 оқсил, фаол моддалар, морфофункционал ўзгаришлар, бош миЯ пўстлоғи.

Abstract. In recent years, the consumption of energy drinks has become increasingly popular, especially among young people. As of 2018, there are more than 500 types of energy drinks in the world, the composition of which varies significantly. However, the general characteristic of all energy drinks, regardless of the brand of energy drinks, is associated with the presence of substances and compounds in them that have an activity-enhancing effect. Our studies on rats have shown that chronic consumption of energy drinks can negatively affect the development of the nervous system, which leads to an increase in the level of S100 protein. This is a warning about the possibility of further development of oncological and chronic neurological diseases.

Key words: nergy drinks, protein S100, active substances, morphofunctional changes, cerebral cortex.

Муаммонинг долзарблиги. Бугунги кунда энергетик ичимликларни истеъмол қилиш бутун жаҳондаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Энергетик ичимликлар алкоголь, тамаки ва гиёҳванд моддалардан кейин бир қаторда турувчи ёмон одатларнинг янги брендиридир. Шу учтадан фарқли ўларок, энергетик ичимликлар ва уларнинг инсон организмига таъсир қилиш механизми етарлича ўрганилмаган.

Энергетик ичимликлар терапевтик таъсирга эга эмас, лекин энергетик ичимликларнинг таркибидаги маълум ва номаълум фармакологик хусусиятлари ва токсик таъсирлари соғлиқка таъсири, яъни жиддий ножўя таъсирларга олиб келиши

мумкин [5, 7, 8]. Энергетик ичимликларнинг инсон организмига мумкин бўлган салбий таъсирлари ҳақида маълумотлар мавжуд [9, 11].

Энергетик ичимликларнинг янги турларининг ёшлар ўртасида шиддат билан тез тарқалиши, энергетикларнинг соғлиқ учун хавфсизлиги ҳақида, ҳам жаҳон илмий жамиятининг аъзоларида, ҳам кенг жамоатчиликда хавотир уйғотди. Оммавий ахборот воситаларида юқори концентрацияга эга бўлган кофеинли, алкогольли энергетик ичимликлар истеъмол қилган ёки уларни спиртли ичимликлар билан аралаштиргандан кейин, ёшлар ўртасида ўлим

ҳолатлари кузатилганлиги ҳақида хабарлар бериб борилган [13].

Энергетик ичимликлар таркибида юқори концентрацияли кофеинли алкоғолсиз ичимликлар бўлиб, баъзи ичимликлар таркибида ҳар бир порцияда 505 мг гача кофеин ва бошқа моддалар, жумладан, шакарнинг юқори дозаси, баъзи витаминлар, жумладан рибофлавин, пиридоксин, никотинамид, бошқа В гуруҳидаги витаминлари ва турли хил ўсимлик ва биологик кўшимчалар организмга кўзгатувчи сифатида таъсир қилиши мумкин. [4,6].

Энергетик ичимликлар, айниқса ўсмирлар орасида, ҳушёрликни сақлаш ва энергияни ошириш учун тобора кўпроқ истеъмол қилинмоқда [14]. Бундан ташқари, ўсмирлар энергетик ичимликларни фақат унинг таъмидан баҳраманд бўлиш учун ва алкоғоль билан аралаштириб ичишади [2]. Канадада ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёшларнинг 73,6% мунтазам равишда энергетик ичимликларни истеъмол қилишади [12] ва бутун дунё бўйлаб ёшларнинг тахминан 30-50 % энергетик ичимликлардан фойдаланишади [3].

Энергетик ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ нохуш ҳодисаларга бош оғриғи, ташвиш, асабийлашиш, зўриқиш, бош айланиши, титроқ, чалкашлик, психоз ва руҳий ҳолатнинг ўзгаришлари киради. Шунингдек, энергетик ичимликларни кўп миқдорда истеъмол қилиш ҳаддан ташқари ҳушёрлик (ҳаддан ташқари эътиборни қаратиш, галлюцинацияларнинг намоён бўлиши) ва психомотор безовталиқни келтириб чиқариши, кейинчалик руҳий ҳолатнинг ёмонлашишигача олиб келиши мумкин [16].

Сўнгги йилларда энергетик ичимликлар истеъмолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, энергетик ичимликлар билан боғлиқ бўлган тез-тез учрайдиган салбий таъсирларнинг олдини олиш учун профилактик стратегиялар зарур. Энергетик ичимликлар онкологик, неврологик касалликларга ҳам олиб келиши мумкин. Гистологик текширувлардан ташқари, қонни биокимёвий текширувлари ҳам олиб борилди. Биокимёвий текширувларда қондаги S100 оксиленинг даражаси аниқланди.

S100 оксиллари ҳужайраларнинг ўсиши, бўлиниши ва дифференциацияси учун зарур бўлган бир-бирига яқин бўлган оксилларнинг бутун гуруҳидир. Ушбу оксилларнинг қондаги концентрацияси кўплаб хавфли касалликларда ўзгаради, чунки улар ўсимта ҳужайралари томонидан кўп миқдорда қонга чиқарилади.

S100 оксилли кўплаб органларда (тери, жигар, буйрак, юрак ва бошқаларда) мавжуд бўлган моддadir. Унинг асосий хусусияти кальций билан боғланганлиги ва организмдаги кўплаб жараёнларга таъсир қилишидир. S100 оксилли органлар ва тўқималар ҳужайраларининг нормал фаолияти

учун зарурдир, аммо S100 нинг энг юқори миқдори мия ҳужайраларида топилган [1, 6].

Қондаги S100 оксиленинг даражасига қараб инсултдан кейин, калла-мия шикастланиши ва неврологик касалликларга олиб келувчи мия шикастланиш даражасини баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари S100 оксиленинг концентрацияси онкологик касалликларда ўзгариши мумкин. Инсон қонида S-100 оксиленинг даражаси нормада 0,15 мкг/л дан ошмайди. S100 оксиленинг концентрацияси кўплаб хавфли касалликларда ўзгаради, бу ўсmalarнинг ташхиси ва диагностикасини аниқлаш учун муҳим ўрин тутди.

S100 оксилли бош мияда асосан астроцитлар томонидан ишлаб чиқарилади ва унинг синтезининг ошиши гипоксия ёки гипогликемия асносида, астроцитларнинг асаб тўқималарининг шикастланишига жавобан фаоллашишини билдирилади. S-100 оксилларининг кўп қисми (асаб тўқимасида умумий таркибнинг 85-90% гача) астроцитларда жойлашган; 10-15% нейронларда жойлашган бўлиб, озроқ миқдори олигодендроцитларда аниқланади. S-100 оксилли глиал ҳужайралар томонидан синтезланади ва кейин нейронларга кўчирилади. Ўтказилган тадқиқотлар S-100 оксилларини мия ҳужайраларининг функционал гомеостазини таъминлайдиган мураккаб ҳужайра ичидаги тизимларнинг асосий молекуляр таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Тадқиқод мақсади. Энергетик ичимликларнинг бош мия нерв тизимига таъсирини ўрганиш ва қонда S100 оксиленинг даражасини аниқлаш.

Тадқиқод материаллари ва усуллари. Тажриба учун тана оғирлиги 150 – 250 гр, ёши 6 ойлик бўлган эркек жинсли оқ каламушлар олинди. Ушбу тажриба биоэтика тамойилларига риоя қилган ҳолда бажарилди. Каламушлар хона ҳарорати 21°C±10°C бўлган шароитда, пластик катакларда жойлаштирилди. Каламушлар стандарт каламуш диетаси билан озиклантирилиб, доимий сув берилиб турилди. Тажриба ҳайвонларга «Iguana» энергетик ичимлиги 1 ва 3 ой давомида оғиз орқали меъда зонди билан юборилди.

Лабораторияда иқлимлаштириш учун тажрибадан бир ҳафта олдин 12 соатлик ёруғлик-қоронғулик цикллари таъминланди. Ҳайвонлар 2 гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳидаги каламушларга ҳар куни зонд орқали бир марта 7,5 мл физиологик эритма ичирилди. Асосий тажриба гуруҳидаги каламушларга энергетик ичимлик тана вазнига 10 мг/кг дан ҳисобланиб, зонд ёрдамида 1 ва 3 ой давомида кунига бир марта 7,5 мл гача ичирилди. Лаборатор текширув учун 1 ва 3 ой давомида энергетик ичимлик ичган каламушлар

кони текширилди. 1 ой ва 3 ой давомида энергетик ичган каламушларда, тажрибанинг сўнгги кунларида уларга бир кеча овқат берилмади, сўнгра эрталаб улар эфирнинг энгил ингалацияси ёрдамида хушсизлантирилди ва қон намуналари лаборатор текширувлар учун бевосита юракдан олинди. Кейин боши кесилиб, қонсизлантирилиб, ички органлар очилди. Ҳайвонларнинг бош мияси 10% ли нейтрал формалинда фиксацияланди.

Тажрибани ўтказиш учун улар уч гуруҳга бўлинди.

I гуруҳ - Назорат гуруҳи

II гуруҳ – 1 ой давомида энергетик ичимлик берилган гуруҳ.

III гуруҳ - 3 ой давомида энергетик ичимлик берилган гуруҳ (1 жадвал).


1 - чи назорат гуруҳига 6 та энергетик ичимлик ичирилмаган олти ойлик эркак жинсли оқ каламушлар олинди. 2 – чи гуруҳга 1 ой давомида энергетик ичимлик ичирилган 6 та каламуш олинди. 3 ой давомида энергетик ичирилган Ҳайвонлар олинди. 3- чи гуруҳга 3 ой давомида энергетик ичимлик ичирилган 7 та каламуш

Жадвал 1. Тажриба Ҳайвонларнинг гуруҳларда тақсимланиши

Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи		Ўтказилган лаборатор текширувлар
	1 ой давомида ЭИ қабул қилган каламушлар	3 ой давомида ЭИ қабул қилган каламушлар	
6 та	6 та	7 та	S100 оксили

Жадвал 2. 6 ойлик назорат ва тажриба гуруҳи каламушларида S100 оксили кўрсаткичи

Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	
	1 ой давомида ЭИ қабул қилган каламушлар	3 ой давомида ЭИ қабул қилган каламушлар
31,333 нг/мл	583,16 нг/мл	1958,57 нг/мл



Расм 1. 6 ойлик назорат ва тажриба гуруҳи каламушларида S100 оксили кўрсаткичи солиштирма диаграммаси

олинди. Барча гуруҳдаги тажриба Ҳайвонларининг қони олиниб, қон таркибидаги S-100 оксили даражаси аниқланиб, олинган маълумотлар таҳлил қилинди. Иммунофермент анализ (ИФА) учун қон намуналари 30 дақиқа давомида хона ҳароратида қолдирилди, сўнгра 15 дақиқа давомида 4000 айланиш тезликда центрифуга қилинди.

Зардоб намуналари ажратиб олингач ИФА текширувида музлатгичда -20°C да сақланди. Зардобдаги S100 оксили лаборатор текшируви Россияда ишлаб чиқарилган махсус иммунофермент анализ (S100- ИФА) учун мўлжалланган тўпламлари ёрдамида ўтказилди. Лаборатория тадқиқотлари ҳар бир экспериментал муддатнинг охиригача босқичларида амалга оширилди. Назорат гуруҳидаги 6 та каламушда S100 оксили кўрсаткичи текшириб кўрилганда, ўртача 31,333 нг/мл ни ташкил қилди. Тажриба гуруҳида 1 ой давомида энергетик ичимлик қабул қилган 6 та каламушларда S100 оксили кўрсаткичи ўртача 583,16 нг/мл ни кўрсатди.

3 ой давомида энергетик ичимлик қабул қилган каламушларда эса S100 оксили кўрсаткичи, ўртача 1958,57 нг/млга тенг бўлди (2 жадвал). Демак, иккала тажрибада гурухида ҳам, S100 оксили кўрсаткичи кутарилгани ва айниқса сурункали (3 ой давомида) энергетик ичимлик ичирилган тажриба гурухи хайвонларидан бу кўрсаткич кескин ошгани аниқланади (расм 1).

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, энергетик ичимликларни меъёрдан кўп истеъмол қилиш мумкин эмас. Энергетик ичимликларни сурункали истеъмол қилиниши, бош мия нерв тизимида салбий таъсирларга олиб келиши мумкин. Тажрибада, яъни лаборатор текширувларда, конда S100 оксили кўрсаткичи текширилганда, мунтазам энергетик ичимликларни истеъмол қилиниши натижасида S100 оксили кўрсаткичининг ошиши кузатилди. Бу эса кейинчалик онкологик ва сурункали неврологик касалликлар ривожланиши мумкинлигидан дарак беради.

Адабиётлар:

1. Джонсон С.Дж., Алфорд С., Верстер Дж.С., Стюарт К. Мотивы смешивания алкоголя с энергетическими и другими безалкогольными напитками и их влияние на общее потребление алкоголя британскими студентами. 2016; 96: 588–597.
2. Зайферт С.М. и др. Влияние энергетических напитков на здоровье детей, подростков и молодых людей. 2011 г.; 127(3): 511–528.
3. Кивер Л. И др. Энергетические напитки, доступные в Ирландии: описание содержания кофеина и сахара. 2017;20(9):1534–1539.
4. Коэн Х. Опасный толчок: вред энергетических напитков для детей. Майами Геральд. 1 апреля 2008 г. : E10, 10E
5. Ларенцова Л.И. и др. Экспериментально-клиническое изучение теногена (антитела к мозгоспецифическому белку S-100) и возможности его применения в качестве средства премедикации на амбулаторном стоматологическом приеме. Российская стоматология. 2008;1:48-51.
6. Липшульц С. Высокий риск: Запрет энергетических напитков в школах. Майами Геральд. 20 апреля 2008 г. : 4L, L4
7. Нужный В.П. Методологические аспекты оценки токсичности спиртосодержащих жидкостей и алкогольных напитков // Токсикол. вестн. – 1999. – № 4. – С. 2–10.
8. Орипов Ф. С., Эшкабилова С. Т. Негативное влияние энергетиков на внутренние органы и методы его коррекции. Журнал биомедицины и практики №3 (2022)
9. Ризаев Ж. А., Хакимова С. З., Заболотских Н. В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза //Uzbek journal of case reports. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 18-25.

10. Ризаев Ж. А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.

11. Ризаев Ж. А., Гадаев А. Г., Абдуллаев Д. Ш. Параллели патогенеза заболеваний пародонта и хронической сердечной недостаточности // Dental Forum. – Общество с ограниченной ответственностью "Форум стоматологии", 2017. – №. 4. – С. 70-71.

12. Ризаев Ж. А., Агабабян И. Р. Связь заболеваний пародонта с острым коронарным синдромом (литературный обзор) // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 4.

13. Pyasov A.S. Turaev F.S. Morphofunctional Features of the Structure of Gastrointestinal Tract Sphincters. "International Journal of Development and Public Policy " -2021 P- 59-64

14. Reissig CJ, Strain EC, Griffiths RR. Энергетические напитки с кофеином проблема. 2009г.; 99(1–3):1–10.

15. Turaev F. S., Pyasov A. S. "Structural and functional elements of sphincters of the gastrointestinal tract of human and animals " 2022 European journal of modern medicine and practice. p 54–61

16. Yusupova N.A., Oripov F.S., Eshqobilova S.T. International Journal of Early Childhood Special Education (Int-jecse) influence of energy drinks on individual systems of the human body // Vol 14, Issue 05 2022.

РОЛЬ БЕЛКА S100 ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ КОРЫ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ВОЗДЕЙСТВИИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ НА ОРГАНИЗМ ЖИВОТНЫХ

Орипов Ф.С., Эшкабилова С.Т.

Резюме. В последние годы потребление энергетических напитков становится все более популярным, особенно среди молодежи. По состоянию на 2018 год в мире существует более 500 видов энергетических напитков, состав которых значительно различается. Однако общая характеристика всех энергетических напитков, независимо от их марки, связана с наличием в них веществ и соединений, обладающих повышающим активностью действием. Наши исследования на крысах показали, что хроническое употребление энергетических напитков может отрицательно сказаться на развитии нервной системы, что приводит к повышению уровня белка S100. Это является предупреждением о возможности в дальнейшем развития онкологических и хронических неврологических заболеваний.

Ключевые слова: энергетические напитки, белок S100, активные вещества, морфофункциональные изменения, кора головного мозга.

ЎРТАЧА ОҒИРЛИКДАГИ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИДАН КЕЙИН, ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ КУНИДА КАЛАМУШЛАРНИНГ ТАЛОҚ ТЎҚИМАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР



Файзиев Хуршид Бурханович, Баратова Мехрибан Суббидиновна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ИЗМЕНЕНИЯ В ТКАНЕВОЙ СТРУКТУРЕ СЕЛЕЗЕНКИ ЛАБОРАТОРНЫХ КРЫС НА ДВАДЦАТЬ ВОСЬМОЙ ДЕНЬ ПОСЛЕ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ СРЕДНЕЙ ТЯЖЕСТИ

Файзиев Хуршид Бурханович, Баратова Мехрибан Суббидиновна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

CHANGES IN THE TISSUE STRUCTURE OF THE SPLEEN OF LABORATORY RATS ON THE TWENTY-EIGHTH DAY AFTER A MODERATE TRAUMATIC BRAIN INJURY

Faiziev Khurshid Burkhanovich, Baratova Mehriban Subbidinovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: xurshidfayziy70@gmail.com

Резюме. Мазкур эксперимент 11 дона 3 ойлик оқ каламушларда амалга оширилди. Уш бу тажриба ҳайвонлари гилдиракли транспорт воситаси қурилмасига жойлаштирилди ва ҳайвонлар автоуловда 7км / соат тезликда ҳаракатланиб, бошининг олд қисми билан ёғоч тўсиққа урилди. Экспериментдан сўнг ҳайвонларнинг барчаси когнитив хусусиятларнинг сақланишини текшириши мақсадида “Моррис сув лабиринтидан” тест қилиб ўтказилди ва шунга асосан бош миЯ жароҳатининг даражаси аниқланди. 28 кундан кейин юқорида кўрсатилган 11та оқ каламуш эфир наркози берилгандан сўнг, декапитация орқали, жойида бошидан жудо қилинди. Талоқ олиб ташлангандан кейин, жойида текширилиб ўрганилди ҳамда белгиланган тартибда керакли ўлчамлар олиш учун олиб текширилди.

Калит сўзлар: талоқ, миЯ жароҳати, тўқималар, оқ пулпа, қизил пулпа.

Abstract. This experiment was carried out on 11 white rats of 3 months of age. In the process of simulating a traffic accident, these animals were attached to a wheeled vehicle and the attached animal was moving at a speed of 7 km/h crashed into a wooden obstacle with the front of its head. After the experiment, all animals were tested on the "Morris water maze" in order to check the preservation of cognitive characteristics, respectively, the degrees of traumatic brain injury were determined. 28 days after receiving a traumatic brain injury, all 11 white rats were decapitated, pretreated with ether anesthesia. After decapitation, the spleen was removed, it was examined on the spot, and after the necessary measurements were carried out, the organ was studied for further studies in accordance with the established procedure.

Keywords: spleen, traumatic brain injury, tissue, white pulp, red pulp.

Долзарблиги: Хозирги кунда жамиятимизда техника ва юқори технологиялар ривожланиши ва натижада жароҳатланишлар купайишини, уларнинг кетидан келиб чиқадиган муаммоларни сон жихатидан ва сифат жихатидан ушшини кўзатса бўлади. Мамлакатларнинг купиди аҳолининг ўлими сабаблари таркибида жароҳатлар, юрак-кон томир ва онкологик касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек бош миЯ жароҳати, жамиятга етказилган жами иқтисодий ва ижтимоий-тиббий зарар бўйича биринчи ўринда туради. [1, 2, 11]. Мисол тариқасида, Россия Федерациясида йилига йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 35 минг киши ҳалок бўлади ва уларнинг купчилиги меҳнатга лаёқатли одамлардир. [4, 5, 6]. Ҳар йили АҚШ мамлакатида бош миЯ жароҳати билан 1,6


миллион одам мурожат қилади, шулардан 51 минг вафот этади ва 124 минг киши узоқ вақт давомида ногирон бўлиб қолади. Кушни Россия Федерациясида ҳар йили 600 мингдан зиёд кишида бош миЯ жароҳати учрайди, улардан 50 мингтадан зиёди ўлади, бир мунча киши ногирон бўлиб қолади, аммо аслининг кўрадиган бўлсак, уларнинг сони анча юқори бўлиб чиқади. Умуман олганда Россияда бош миЯ жароҳати туфайли ногиронлар сони икки миллиондан ошади [4, 7, 12]. Республикаимизнинг статистик маълумотларига кўра, ҳар 100000 аҳолига механик шикастланишлар сони 3000дан ортиқ бўлса, мамлакатнинг айрим ҳудудларида бу кўрсаткич янада юқоридир. Бирлашган миллатлар ташкилоти рақамларига кўра, бу кўрсаткич 592 минг аҳоли учун йилига 100та ҳолатдан ошади [1,

9]. Мамлакатимизда травматизм вақтинча ногиронлик ва ногиронлик сабаблари орасида қон айланиш тизими касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўлим сабаблари туфайли жароҳатлар ҳали ҳам онкологик ва юрак-қон томир касалликларидан кейинги ўринда туради. Жароҳатлар кўпроқ меҳнат ёшидаги кишиларда (18-60 ёш) - 59,9% ҳолларда, 36,9% болалар ва ўсмирларда учрайди. Шикастланишларнинг умумий сонидан 30-40% ни ташкил қилади [1, 8, 6]. Ҳозирги вақтда талоқ органи енг муҳим органлардан бири ҳисобланмаса-да, лекин у лимфоид тўқиманинг асосий коллекторларидан биридир. Одам танасида кечадиган муҳим реологик, гематологик ва иммунологик вазифалардан бирини бажаради, бу эса бутун организмга ёд бўлган антигеннинг кириб келишига, яллиғланиш жараёнига ёки тананинг гомеостазининг бошқа бузилишига қарши умумий иммунитетини шакллантиради [3, 10, 13, 14].

Материаллар ва усуллари. Уш бу эксперимент 11 дона 3 ойлик оқ қаламушларда амалга оширилди. Уш бу тажриба ҳайвонлари ғилдиракли транспорт воситаси қурилмасига бириктирилди ва ҳайвонлар автоуловда 7 км / соат тезликда ҳаракатланиб, бошнинг олд қисми билан ёғоч тўсиққа урилди. Тажрибадаги қаламушлар, лаборатория ҳайвонларини парвариш қилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда тиббиёт институти вивариумида қоникарли шароитда сақланди.

Экспериментдан сўнг ҳайвонларнинг барчаси эфир наркози берилгандан сўнг, декапитация орқали, жойида бошидан жудо қилинди. Талоқ ажратилиб олингандан сўнг, жойида текширилиб ўрганилди ҳамда белгиланган тартибда керакли ўлчамлар олиш учун олиб қўйилди.

Тадқиқот натижалари. Текширишда периартериал лимфатик муфтлар ва лимфоид тугунчалар (ЛТ) қуйидаги натижаларни берди. Муфтларнинг диаметри 109,5 мкм дан 129,4 мкм гача, ўртача $110,89 \pm 1,61$ мкмни ташкил қилади. Лимфа тугунларининг диаметри 335,7 мкм дан 487,23 мкм гача, ўртача $419,89 \pm 11,54$ мкм гача бўлди. Лимфоид тугунларни визуал равишда бирламчи ва иккиламчига ажратиш мумкин, уларнинг улуши мос равишда 28% ва 72% ни ташкил қилади. Иккиламчи реактив ҳосил бўлган герминатив марказлар аниқланади. Герминатив марказларнинг диаметри 87,9 мкм дан 129,8 мкм гача, ўртача $125,8 \pm 6,22$ микронни ташкил етди. Шунингдек айрим ҳолларда катта лимфоид тугунчалар, ва уларнинг кўпинча бирлаштирилган шакли учраб турди. Талоқнинг оқ пулпасининг лимфоид тугунлари асосан юмалоқ, деформацияланган ва чўзилган шаклга эга нусхалари учраб турди. Айрим ҳолларда оқ пулпа қисмларини аниқ ажратилиб турмаганлиги ҳолатлари, тажрибамиз томонидан бир неча бор қайд этилди. Бироқ асосий ҳолатларда лимфоид тугунчалар зоналари аниқ ажралиб туриш ҳолатлари ҳам тез тез учраб турди.



Расм 1. 3 ойлик қаламушнинг талоғи. БМЖдан 28 кундан кейин. Гематоксилин-эозин билан рангланиши. Ок.10 х об.20. 1-лимфатик тугунча.2-периартериал зона.3- герминатив маркази.4- мантия зонаси.5- маргинал зона

